



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ИИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 29 сентябрь, пайшанба • 39 (3620)-сон

ҲАМИША ЭЪЗОЗДА БЎЛИНГ!

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш ходимларга таълим-тарбия бериш, касб маҳоратини ўргатиш йўлида ўз билим ва тажрибаларини

аямаётган барча ўқитувчи ва мураббийларни, фахрий устозларимизни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қизғин муборакбод этаман.

Кўз нуруни, қалб

қўрини шогирдларига бахшида этаётган бу табаррук зотларни ҳар қанча эъзозласак оз. Сизларга ички ишлар идоралари ходимларини, таълим муассасалари тингловчи ва

курсантларини эл-юртга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашдек савобли ишларингизда

муваффақиятлар ёр бўлсин!

Барчангизга узоқ умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик тилайман.

Зокиржон АЛМАТОВ,


Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-полковник.

АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР

Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуг зот бу муаллим ва мураббийлардир.

Ислом КАРИМОВ.

Ўқитувчи ва мураббийларни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Зеро, улардан илм ўрганамиз, тарбия оламиз. Республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртларида кўплаб ўқитувчи-профессорлар меҳнат қилишяпти. Улар бор билим ва маҳоратлари, тажрибаларини етук мутахассислар тайёрлашга сарф этишяпти. Жумладан, Республика ИИВ Академияси курсантларига таълим-тарбия бераётган устозлар ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтса арзийди. Ички ишлар идораларининг турли соҳаларига ма-лакали ходимлар етказиб беришда бу меҳри дарё устозларнинг ҳиссалари катта бўляпти десак муболага бўлмайди.



ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА ТОЛМАНГ, УСТОЗИМ!

*Сизгадир ушбу кун юракдан сўзим,
Сиз учун таъзимда турибман ўзим.
Дилимнинг тубидан янграган созим,
Эзгулик йўлида толманг, устозим!*

*Сизни ўзимга доим бош деб билдим,
Йўлимни ёритган Куёш деб билдим,
Яхшилик илмига йўлдош деб билдим
Қалбга зиё сочган сирдош деб билдим.*

*Ғам кўрманг, бу дунё тургунча туринг,
Минг йиллик меҳнатнинг ҳузурин кўринг.
Шогирдлар бахтига соғ-омон юринг,
Эл ичра кексалик гаштини суринг.*

*Қўлим кўксимдадир, доимо қуллуқ,
Юрагим бир эзгу тилакка тўлиқ.
Бир умр саждага бошим эггайман,
Устозим, Сиз учун таъзим этгайман!*

Гулчехра ШАҲОБИДДИН қизи.



Суратларда: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясидаги дарс жараёнидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

УШБУ СОНДА:

ПАСПОРТ ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Газетамизнинг ўтган сонидан хабар берганимиздек, 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти ташаббуси билан республика ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг етакчи мутахассислари иштирокида “Бевосита мулоқот” бўлиб ўтди...

4,5

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятида (“Постда” ва “На посту” газеталари) 4 октябрь — сешанба куни соат 10.00 дан 13.00 гача йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига бағишланган бевосита мулоқот бўлиб ўтади.

Унда иштирок этиш учун республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг етакчи мутахассислари таклиф қилинган. Уларга қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:


132-05-51, 139-70-40,
133-61-64.

Саволлар олдиндан ёзма равишда ҳам қабул қилинади.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри Ю. Ражабий кўчаси, 1. Мўлжал: метронинг “Космонавтлар” бекати.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ИККИ ПОЙТАХТ ҲАМКОРЛИГИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Хитой Халқ Республикасининг Пекин шаҳри Жамоат хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ян Сяои бошчилигидаги делегация ташриф бу-

юрди. Делегациянинг республика мизга ташрифидан мақсад икки давлат пойтахтлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида тажриба алмашишдан иборатдир.



Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов қабул қилди. У мамлакатимиз ички ишлар идораларининг асосий фаолият йўналишлари ҳақида

гапирар экан, икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятларни тергов қилиш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга

қарши кураш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Ўз навбатида Пекин шаҳри Жамоат хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари жаноб Ян Сяои самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилиб, икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳамкорлик янада кенгайтишига ва чуқурлашувига, шунингдек, мунтазам тажриба алмашиниб туришига ишонч билдирди. Маълумки, 2008 йилги Олимпия ўйинлари Хитойда ўтказилади. Жаноб Ян Сяои шу муносабат билан бундай тадбирларни ўтказиш чоғида хавфсизликни таъминлаш борасида берадиган тавсиялари учун ўзбекистонлик ҳамкасбларига аввалдан миннатдорчилик билдирди.

Георгий ПЕТРОСЯН.
Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

«ҲОСИЛ - 2005»

УЛКАН ХИРМОНГА МУНОСИБ ҲИССА



Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизда биринчи бўлиб йигирма олти иш кунинда йиллик пахта топшириш режасини бажарди.

103983 гектар ер майдонига барака уруғини қадаган бободехқонлар мамлакатимиз хирмонига 185000 тонна юқори сифатли — биринчи сорт билан пахта хом ашёси топширди. Бу улкан хирмонга ички ишлар ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишди.

Ҳашарчилар жойлашган турар жойларда ходимлар жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда маҳалла, овул раҳбарлари ва фаоллар билан тарғибот ишларини олиб бордилар.

Шу туфайли бу ҳудудда мавсум бошлангандан буён пахтани четга олиб чиқишга уринишлар қайд этилмади.

Экин майдонларини пайҳон қилган, ёнгин хавфсизлиги қодаларини бузган шахсларга

нисбатан зарурий чора-тадбирлар белгиланди. Маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган бир нафар ҳайдовчига тегишли чора кўрилди.

— Хулоса қилиб айтганда, — дейди «Пахта — 2005» штаби бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Оринбой Турдақов. — Ходимларимиз ўз постларида хушёр туриб, ҳашарчилар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва ёнгининг олдини олишда фидойилик кўрсатдилар. Деҳқонларга камарбаста бўлганимиз, етиштирилган улкан хирмонда муносиб ҳиссамиз борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Дурдубой ХУДОЙШУКУРОВ.

МУНОСАБАТ АДОЛАТ ҚАРОР ТОПСИН!

Жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган воқеалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бир гуруҳ ғаламисларнинг конституцион тузумимизга қарши қаратилган хуружлари юртдошларимиз томонидан қаттиқ қораланмоқда. Утган вақт мобайнида шу хусусда муносабат билдирилган кўлаб мактублар олдик. Куйида мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

БУГУНГИ кунда халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини кўра олмаётган, истиқлол шарофати туфайли эришаётган ютуқларимизга гараз ниятда бўлган ғаламислар бор эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Андижон воқеалари бунинг яққол исботидир.

5-6 сентябрь кунлари Республика Бош прокуратураси тезкор-тергов гуруҳи Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий Мажлиснинг мустақил комиссиясига тергов ҳаракатлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботи билан атрофлича танишиб чиққан туман фаоллари

бу ғаламислар динни ниқоб қилиб олган бир гуруҳ манқурт кимсалар эканлигини англаб етдилар.

Юртимизнинг бугунги равнақи, фаровонлигига раҳна солмоқчи бўлганлар орасида шу замин фарзандлари борлигини тан олиш жуда оғир. Туман аҳли бу Ватан хоинларига қонун асосида жазо берилишини сўрайди.

Булоқбошилик фаоллар номидан,
Т. УМИРЗОҚОВ,

Республика «Маҳалла» жамғармаси
Булоқбоши тумани бўлими раиси.

ХОМ АШЁ НОБУД БЎЛМАЙДИ

СИРДАРЕ вилояти пахтакорлари бу йил давлатга 248 минг тонна пахта сотишни режалаштиришган. Айни кунларда далаларда етиштирилган қимматбаҳо хом ашёни кузнинг илиқ-иссиқ кунларида йиғиштириб олиш жадал давом этмоқда. Йиғим-терим ишларида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Биринчи галда жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратилган. Шунингдек, пахтани ўғирлаш, қўшни республикаларга ноқонуний равишда ўтказилишининг олдини олиш, транспорт воситаларининг

бир маромда ишлашини назорат қилиш асосий вазифага айланган. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари учун ҳам айни масъулиятли дамлар ўтмоқда. Қимматбаҳо хом ашёни йиғиштириб, хирмонларга ғарамлаб олишда ёнгин хавфсизлиги қодаларига қатъий риоя этиш зарур. Озгина эътиборсизлик туфайли пахта ёниб кетиши мумкин. Шу боис, ходимлар жойларда текширув, назорат ишларини кучайтиришган. Вилоятдаги мавжуд 26 та пахта қабул қилиш пунктларига назоратчилар қўйилган. Йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, айбдор-

ларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти. Ҳозиргача ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун 6 нафар раҳбар ходим маъмурий жавобгарликка тортилди. Уларга нисбатан 80 минг сўмга яқин жарима белгиланди. Айни пайтда пахтани ташиш, қуритиш, ғарамлаш жараёнида ишлатиладиган транспорт-техника воситалари ҳам назоратга олинган. Шу боис, ёнгин билан боғлиқ ҳодисалар рўй бермаяпти.

Умирзоқ ҒАФҒОРОВ,
катта сержант.

МАВСУМ ТАЛОФАТСИЗ ЎТАДИ

ХОРАЗМ вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида ўз олдларига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришмоқда. Асосий эътибор жойларда жамоат тартибини сақлаш, йиғим-теримда иштирок этаётган теримчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қабул пунктларида ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган.

Мавсумга тайёргарлик кўриш мобайнида ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан 10 та пахтани қайта ишлаш корхонаси ва уларга қарашли 11 та шохобчанинг ёнгинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ҳашарчиларга ажратилган турар жойлар ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари томонидан кўздан ке-

чирилиб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Мавжуд пахта қабул қилиш пунктларида мунтазам профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Сув ҳавзалари, насослар, ўт ўчириш мосламалари ҳамда махсус автомашиналарнинг техник созлиги доимий назоратга олинган.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан пахта йиғим-теримига жалб қилинган барча турдаги автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига йўриқномалар берилляпти, пахта ташиладиган йўналишларда ҳаракат хавфсизлиги таъминланмоқда. Бу эса мавсумни талофатсиз ўтказилишини кафолатлайди.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

МАҲАЛЛАМИЗДА мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилишни муқаддас бурч деб биладиган иймон-этиқоди бутун инсонлар яшайди. Шу боис фуқароларимиз орасида бирортаям турли диний оқимга наинки адашиб кириб қолган, ҳатто мойиллар ҳам йўқ. Лекин Андижонда бир гуруҳ юртфурушлар содир этган қабоҳат бизга ҳам қора доғ бўлиб тушди.

Яқинда маҳалла аҳли иштирокида Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Андижон воқеаларига бағишланган тергов ишлари натижасининг биринчи босқичи ҳисоботи билан танишиб чиқдик. Унда баён қилинган маълумотлар хунрезликда иштирок этган жиноятчиларнинг кирдикорлари билан яқинроқ танишиш имкони-ни берди. Халқимизда уларга нисбатан нафрат туйғуси янада ошди.

Маҳалламиз фуқаролари Ватан хоинларига нисбатан ҳеч қандай шафқат бўлмаслиги, улар одил суд олдида жавоб беришларини қатъий талаб қиладилар. Ишонамизки, бу ғаламислар тегишли қонуний жазоларини албатта олишади.

Н. АБДУҒАППОРОВ,

Булоқбоши туманидаги А. Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

БУГУНГИ кунда юртимизда ёшларга бўлган эътибор янада ортмоқда. Хусусан, уларнинг билим олиши ва турли соҳаларда фаолият кўрсатиб юқори натижаларга эришишларига кенг имкониятлар яратилган.

Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари биз, ёшларни ҳам қаттиқ изтиробга солди. Афсуски, ушбу воқеалар иштирокчиларининг аксарият қисми ёшлар эканлиги жуда аянчли. Бундан тегишли хулоса чиқарган булоқбошилик ёшлар жорий йилнинг 5-6 сентябрь кунлари республика Бош прокуратураси тезкор-тергов гуруҳининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича Олий

Мажлиснинг мустақил комиссиясига тақдим этган тергов ҳаракатлари натижалари тўғрисидаги ахборотини атрофлича ўрганиб чиқдилар.

Туман ёшлари халқимиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровон ҳаётини бузишга уринган бир тўда ғаламислар қилмишларига яраша жазо олиши, адолат қарор топшини истайди. Токи бундан кейин мустақиллигимизга кўз олайтирадиган кимсалар ҳар қандай жиноятта жазо муқаррар эканлигини англаб етсинлар.

Булоқбошилик ёшлар номидан,

М. АБЛЯЗОВ,

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши раиси.

УСТОЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Узоқ йиллар ички ишлар идорала-рида хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган устозларнинг бой тажрибаси ёш ходимлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Шу боис ҳам жойларда устоз ва шоғирдлар уч-рашуви тез-тез ўтказиб турилади. Ана шундайлардан бири Избоскан тумани ички ишлар бўлимида бўлиб ўтди. Унда фахрийлар ўз ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилдилар, ёшларнинг бугунги фаолиятига баҳо бериб, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бердилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфо-

даги подполковник Акмалжон Ғозиев ва истеъфодаги подполковник Тўхтасин Раҳматуллаевлар туманда фахрийларга яратилган шароит, уларга бўлаётган эътибор ҳақида фикр юритишди. Туман ИИБ бошлиғи, подполковник Каримжон Мирзакаримов эса фахрийлар ва ёш ходимларнинг учрашуви касб маҳоратини ошириш-да муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу куни кекса устозлар ҳолидан хабар олинди, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

Одатда мактаб олдида ўтсангиз, ўқитувчи ёки собиқ сифдобошингиз билан учрашиб қолсангиз, бегубор дамлар ёдингизга тушади. Аввало, шўх болалигингиз, илк бор ҳарф танитган ўқитувчи кўз олдингизга келади. Панд-насиҳатлари билан ҳаётингизда чуқур из қолдирган устозларни эслаганда ҳаяжонланиб кетасиз.

Пойтахт туманларидан бирида ўтказилган анжуманда катта бир корхона раҳбари мактабда ўқиётган кезлари бошланғич синф ўқитувчиси кўрсатган меҳрибонлик ҳақида гапирган эди. Қаҳратон қишда ўйинқороқлик қилиб сувга тушиб кетганида муаллим пойафзалини қуришиб, ўзининг жун пайпоғини унга кийдириб қўйган экан. Ўрта ёшлардаги киши эса оёғи лат еганда ўқитувчи бир чақиримдан ортиқ масофада жойлашган тиббиёт масканига опичлаб олиб борганини тилга олди. Устозлар шаънига яна кўп илқ гаплар айтилган эди ўша йиғинда.

Ҳар бир касб ёки ҳунарнинг ўз анъаналари бор. Ошпазнинг билганлари шоғирдига капкир орқали, чўпонники таёқ, ўт ёқувчини эса косов орқали ўтади. Муаллимда капкир ҳам, таёқ ҳам, косов ҳам йўқ. Аммо унда билим бор, юрагида меҳр деб аталувчи гавҳар бор. У шоғирдлари қалбига эзгулик уруғини сочар экан, ана шу гавҳардан улашиб боради.

Истиклолга эришганимиздан сўнг келажак авлод тарбиясига нисбатан эътибор кучайиб, муносабат ўзгарди. Зеро, мамлакатимизнинг "Кадрлар тайёрлаш мил-

лий дастури"да ўқувчи, ўқитувчи ва раҳбар шахсига янгича ёндашиш кўзда тутилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўқувчи ҳамда ўқитувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши керак. Шундагина мустақил давлатимиз учун эркин фикрлайдиган, мус-

КАМОЛОТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

тақил фаолият кўрсата оладиган кадрлар етиштиришимиз мумкин.

Бугунги кунда республикамиздаги турли таълим муассасаларида меҳнат қилаётган устозлар ёш авлодга ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия бериб, камолот сари етакламоқда. Бу хайрли ишга Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, иқтидорли шоғирдлар етиштиратган мураббийларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти. Масалан, республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти гумани-тар ва ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент, подполковник Аброр Ҳайдаров яхши раҳбар сифатида, дарсларни юқори савия-

да ўтиши билан обрў қозонган. Техника фанлари номзоди, подполковник Холмурод Курбонов — ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби тезкор-тактик фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси. Ўз касбига меҳр қўйган, камгарин бу инсон дарслар самардорлигини ошириш билан бирга гидравлика ва сув таъминотида оид услубий қўлланмалар тайёрлайди, талайгина мақолаларнинг муаллифи.

Улар каби фидойи устозлар етиштирган кадрлар ҳозирда ички ишлар идораларининг турли хизматларида эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашяпти, кўплаб шоғирдлар етиштиришяпти. "ИИБ Академиясини битирганимга уч йил бўлди, — дейди Тошкент шаҳар Юнусобод

тумани ИИБ терговчиси, катта лейтенант Элмурод Алимов. — Амалиётни пухта эгаллаб боришимда илк кунлардан тергов "алифбоси"ни ўргатган ҳамкасбим, устозим, ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи, майор Мирхалил Алматовдан беҳад миннатдорман".

Ҳа, катта ҳаёт тажрибаси ва касб маҳоратига эга бўлган инсонларни устоз, дея эъзозлаймиз. Агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтда ўқувчилар ҳам ўқитувчиларга ана шундай мурожаат қилишяпти. Уларнинг бийрон тилларидан чиққан бу жарангдор сўзни эшитгач, устозларга нисбатан меҳримиз янада товланиб кетади. Зеро, бу жафокаш, қалби дарё инсонларга нисбатан хурмат, ифтихор, меҳр-муҳаббат ифодасидир.

Саъдулла ШОДИЕВ.

СУРАТЛИ ЛАВҲА

Ўзининг куч-қуввати, билими ва тажрибасини эл-юрт осойишталиги учун сарфлаб, айни кунларда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонлар кўпчилиكنи ташкил этади. Уларни йўқлаб туриш, дуосини олиш энг яхши одатларимиздан.



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Фарзана Ҳабибуллина ҳам ана шундай онахонларимиздан бирidir. Унинг ёшлик йиллари иккинчи жаҳон урушига тўғри келди. У кўпчилик кўнгилли қизлар қатори фронтга отланди. Уруш тугагандан кейин ички ишлар тизимига хизматга кирди. Фарзана Хайруллаевна бу соҳада кўп йиллар ҳалол ва самарали хизмат қилиб, подполковник унвони билан нафақага чиқди. Айни кунларда онахон фарзандлари, неваралари, чеваралари ардоғида.

Собир Раҳимов тумани ИИБ раҳбарияти ва ходимлари тез-тез бу онахоннинг хонадонидан бўлиб, уни йўқлаб туришяпти.

Суратда: истеъфодаги подполковник Фарзана Ҳабибуллина туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Аҳмаджон Отахоновга хизмат йиллари ҳақида ҳикоя қилиб берапти.

... ОЙНАДАН ЎПКЛАМА

НОҒОРАГА УЙНАЁТГАН

«РАҚҚОСА»

Хоинлик турли кўринишларда, очик ёки пинҳона равишда амалга оширилади. Буни ўтмишнинг аччиқ дамларию, тарихнинг суронли йилларидан ҳам билиб олиш мумкин. Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилгач, сохта ватанпарварларнинг қора ниқоблари ҳам йиртилиб, асл башаралари фош бўлди.

Бундай кимсалар моддий маблағга эга бўлган турли диний-экстремистик ташкилотлар билан алоқа боғлаб, ўзларини дохий этиб кўрсатишга интилишди. Натижада ҳамкорликда турли террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш имконияти туғилади. Лекин уларнинг хоинликлари ва тажовузлири халқимизнинг ҳақли нафратига дучор бўлди. Даҳоликни даъво қилган, ҳокимиятга интилган ва уларнинг сафларига қўшилган кимсаларнинг асл башаралари фош этилмоқда.

1957 йили Андижон вилоятида туғилган Елена Михайловна Урлаева Тошкент шаҳар М.

Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси, 481-уй, 7-хонадонда рўйхатда туриб, "Феруза" мавзесидаги хонадонлардан бирида истиқомат қилган ва собиқ "Бирлик" халқ ҳаракати, "Эрк" демократик ҳамда "Озод деҳқонлар" норасмий партиялари раҳбарларининг югурдаги бўлиб фаолият кўрсатган.

1999 йили унга мансаб курсисини сийлов тарихида топширишади. Яъни, "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" норасмий ташкилотининг Тошкент шаҳри бўйича раиси этиб тайинланади. Бундан руҳланган Елена Урлаева хоинлик сари ташлаган қадамни янада жа-

даллаштириб, жамоат жойлари, автобус йўналишлари ва бекатларида турли антиконституцион мазмундаги варақаларни тарқатади. Е. Урлаева бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мутасадди раҳбар ходимлари томонидан қабул қилиниб, суҳбат ўтказилган, хатти-ҳаракатлари қонунга зид эканлиги тушунтирилиб, огоҳлантирилган. Афсуски, ҳеч қаерда ишламайдиган, ҳомийлари томонидан етарли миқдорда маблағ билан таъминланаётган Елена Урлаева ноқонуний фаолиятини давом эттириб, мардикорларни ёллаб, турли жойларда намойишлар уюштирган. У ўз буюртмачиларига садоқатли эканлигини кўрсатиш мақсадида нима қилиб бўлса-да, Ўзбекистонни ёмонотлиққа чиқариш учун тиш-тирноғи билан чирнарди. Бунинг учун турли хил найранглари ўйлаб топарди.

Чаённинг иши ниш урмоқ деганларидек, у миллатимиз, мустақиллигимиз шаъни бўлган давлат рамзларини масхаралай бошлади. Шу ниятини амалга ошириш мақсадида Сирғали тумани, Давлатобод кўчасида жойлашган "Азек" қаҳвахонаси олдида, давлатимиз рамзи ҳисобланган Гербнинг хурматсизланган тасвири туширилган варақани симёғочга елимлаётган пайтда Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан қўлга олинади. Холислар иштирокида, аёлнинг ёни кўздан кечирилганда "Озод деҳқонлар" норасмий партияси томонидан чиқарилган 75 дона буклет, шунча миқдордаги антиконституцион мазмундаги варақа, 4 дона Давлат Герби нусхасининг карикатураси аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.


Е. Урлаева Тошкент шаҳар руҳий асаб касалликлари диспансерида махсус рўйхатда туришини эшитиб, таажжубга тушасан, киши. Чунки суд-тиббий

экспертизасининг хулосасига кўра, "ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган" аёлни сафларига олган, унга ҳомийлик қилган ватанфурушларнинг ақл-фаросати қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу ўринда бир гап. Е. Урлаеванинг ҳомийлари ўзларини қандай тутишар экан? Улар махсус шифохона ҳисобида турган аёлни соппа-соғ эди, дея аюҳаннос солишлари турган гап. Аммо "Ойни этак билан ёпиб бўлмайди" деган доно нақл худди шундайларга нисбатан ай-тилган. Елена сингари ҳомийлари ноғорасига ўйнаётган "раққоса"ларнинг кимлигини халқимиз жуда яхши билади ва уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради.

Истиклолнинг илк кунлариданоқ Ватан равнақи келажакини кўра билган, таърифга тил ожиз бўлган туйғусини юракдан ҳис қилган юртдошларимиз ўз йўлида собитқадам тура олади.

Э. АЗИЗОВ.



— Анчадан буён паспорт тизимидаги ўзгаришлар юзасидан юртдошларимиз билан мулоқот қилиш ниятида эдик, — деди полковник Бадриддин Шорихсиев. — Зеро, тизимдаги ўзгаришларни халқимизга етказишда, тарғибот-ташвиқот қилишда матбуотнинг ўрни беқиёсдир. Фуқароларимизни қизиқтирган масалалар, улар-

Газетамизнинг ўтган сонида хабар берганимиздек, 27 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти ташаббуси билан республика ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг етакчи мутахассислари иштирокида “Бевосита мулоқот” бўлиб ўтди...

Шу муносабат билан масъул ходимлар — республика ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, полковник Бадриддин Шорихсиев, бошлиқ ўринбосари, полковник Алишер Тошметов, паспорт бўлими бошлиғи, подполковник Александр Уляшин, чет эл фуқароларини рўйхатга олишни қайд этиш бўлими бошлиғи, подполковник Қодиржон Зокиров, фуқароларнинг чет элга кетишларини ташкиллаштириш ва назорат бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Гафур Қосимов, аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази бошлиғи ўринбосари, майор Нажмиддин Тўраходжаевлар тахририятимизга ташриф буюришди.

Президентининг “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартиби тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга доимий ва вақтинча яшашга чиқишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга хизмат сафарига, сайёҳ сифатида, даволанишга, ўқишга ва хусусий таклиф билан чиқишлари учун ўзлари доимий яшаб турган манзилдаги ички ишлар идораларининг ХЧК ва ФРБ хиз-

ПАСПОРТ ТИЗИМИ:



Республика ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, полковник Бадриддин Шорихсиев.

нинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш имкониятини яратган тахририят раҳбариятига миннатдорчилик билдирамин...

Ҳали белгиланган вақт бошланмаган бўлса-да, тахририятга кетма-кет кўнгироқлар бўла бошлади. Бу эса, юртдошларимиз мулоқотга нақадар муштоқ эканликлари, паспорт тизимига оид саволлар кўпчилигини қизиқтираётганидан далолат бериб турарди.

— Алло, ассалому алайкум. Бу “Бевосита мулоқот”ми? — аёл кишининг овози келди гўшакдан.

— Ҳа.

— Мен, Ҳафиза Мавлянова Олмалик шаҳар ИИБ ЁХБда ишлайман. Сизларга иккита савол билан мурожаат қилмоқчиман.

— Марҳамат.

— Опам Зулфия Мавлянова 1992 йил октябрь ойида Туркменистон Республикаси фуқаросига турмушга чиққан эди. Кейинроқ улар ажралишди. Мана, 10 йилдирки, опам Олмалик шаҳрида яшаб келмоқда. У фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасига эга ва доимий рўйхатда туради. Опам Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиши учун қандай ҳужжатлар тақдим қилиши лозим?

Иккинчи саволим шундан иборатки, холам Дилбар Худой-

яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзлари яшаб турган жойдаги ИИБга фуқароликни қабул қилиш масаласида ариза билан мурожаат этишлари мумкин. Бунинг учун ўрнатилган тартибдаги ариза-анкета, иш ва яшаш жойидан маълумотнома, белгиланган давлат божи тўланганлиги ҳақидаги тўлов қоғози ва бошқа ҳужжатларни топширади. Фуқароларнинг аризаси бир йил ичида кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан фуқароликка қабул қилинади ва паспорт билан ҳужжатлаштирилади.

Иккинчи саволга келсак, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон

Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги Битимга кўра, улар Тожикистон Республикаси ички ишлар идораларидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат олганларидан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг Душанбе шаҳридаги элчихонасига кириш визасини олиш масаласида мурожаат қилишлари лозим. Ушбу визалар асосида мамлакатимизга кириб келадилар ва вақтинча рўйхатдан ўтадилар. Шундан кейин Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш масаласида вақтинчалик қайддан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига белгиланган ҳужжатлар билан мурожаат қилиши ва шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан доимий яшашда қолиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиққанлик ҳамда расмийлаштирилганлик учун ўрнатилган тартибда давлат божи тўлашлари лозим.

— Самарқанд шаҳридан Абдували Очилов бўламан. Мени фуқароларнинг хорижга чиқишлари учун рухсатномани олиш тартиби ва бундай рухсатномалар қандай муддатда расмийлаштирилиши қизиқтиради.

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси

матларига қуйидаги ҳужжатлар билан мурожаат қиладилар:

- икки нусхада тўлдирилган ариза - анкета;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти;
- давлат божи тўлагандлиги ҳақида чипта;
- 35x45 мм ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Фуқароларнинг ариза-анкеталари уларнинг охириги иш (ўқув) жойларидан ташкилот, корхона раҳбарлари, ишламаётган фуқаролар эса ўзлари доимий яшаш жойларидаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари раҳбарлари томонидан имзоланиб, гербли муҳр билан тасдиқланади.

Ҳарбий хизматга мажбуриятли 17 ёшдан 27 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет элга қандай мақсадда боришларидан қатъи назар, мудофаа ишлари бўлимларидан уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматни ўтаб бўлган фуқаролар мудофаа ишлари бўлимидан маълумотнома тақдим қилмайдилар.

Хизмат сафарига хорижга кетаётган фуқаролар, юборилаётган корхона ва ташкилотларнинг ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртмасини тақдим этадилар.

Даволаниш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш идоралари томонидан берилган йўлланмани тақдим қиладилар.

Фуқароларнинг хорижга чиқишлари учун рухсатнома олиш тўғрисидаги мурожаатлари 15 кун ичида жойлардаги ХЧК ва ФРБ томонидан кўриб чиқилиши лозим.

— Алло, сизларни Сурхондарёдан Жўракул Бобоёров безовта қиляпти. Савол берсам бўладими?

— Бемалол.


— Ўтган йили ҳаж зиёратига бориб келгандим. Ҳозир ўша рухсатнома билан Туркия давлатига саёҳатга чиқсам бўла-



Республика ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи ўринбосари, полковник Алишер Тошметов.

бердиева Олмаликда туғилиб, 1981 йилда Тожикистонга кўчиб кетганди. Ҳозирда собиқ иттифоқ паспорти билан Сўғд вилоятида яшаб келаяпти. Балогатга етган фарзандлари ҳанузгача шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга эмас. Айтингчи, улар Ўзбекистонда доимий яшаш учун нима қилишлари керак?

— Кўпчилигини қизиқтирадиган саволларни бергани учун Ҳафиза Мавляновага раҳмат айтамин. Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунига асосан республика ҳудудидо доимий



Республика ИИБ ХЧК ва ФРБ паспорт бўлими бошлиғи, подполковник Александр Уляшин.

дими? Рухсатноманинг амал қилиш муддати қанча?

— Чет элга хусусий таклиф билан кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хориждан юборилган таклифноманинг нусхасини тақдим этадилар. Ички ишлар идоралари фуқароларнинг ариза-анкеталарини 15 кунлик муддатда кўриб чиқади ва уларга ўрнатилган тартибда икки йил муддатга амал қилувчи чет элга чиқиш рухсатини расмийлаштириб беради.

Аммо сўнгги пайтда баъзи бир нопок шахслар томонидан чет элга чиқиш рухсат ёзувларини сохталаштириш ҳолатлари аниқланди. Шундан сўнг

шаҳрига республиканинг бошқа мийтақаларидан доимий яшаш учун келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномалари мавжуд чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Махсус комиссияга бевоСИТА қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Белгиланган намунадаги ариза;

Паспорт ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;

Аризачи яшамоқчи бўлган уйдаги қариндош-уруғларининг турар-жой тақдим этаёт-

— Рухсатнома қанча муддатда тайёр бўлади?

— Бир ой ичида.

— **Ассалому алайкум! Мен Зокир Усмонов бўламан. Тошкентда яшайман. Менинг паспортимни олиб кўйишди.**

— Ким, қандай вазиятда олиб кўйди?

— Гап шундаки, ота-онам Қозоғистон фуқароси. Мени эса шу ерда бувим тарбиялаб вояга етказган. Ўн олти ёшимда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси сингари паспорт олдим. Армияда хизмат қилдим. Яқинда 25 ёшга тўлганлигим сабабли паспортимни алмаштириш учун ички ишлар идорасига бордим. У ердаги ходимлар

чи фуқаролари визасиз Қирғизистоннинг мамлакатимизга чегарадош туманлари ва шаҳарларига кўпи билан беш суткага бориб келишлари мумкин. Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош туманлари ва шаҳарлари қуйидагилар: Наманган вилоятининг Поп, Чуст, Косонсой, Янгикўрғон, Чортоқ, Учкўрғон, Уйчи туманлари; Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Избоскан, Марҳамат, Жалолқудуқ, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Булоқбўши, Хўжаобод туманлари.

— Бу “БевоСИТА мулоқот”ми? Ассалому алайкум! Менинг фамилиям Логинова, Тошкент

гиздаги ХЧК ва ФРБ дан 16 ёшга тўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси гувоҳномаси олишингиз лозим.

— Эшитишимча, паспортга гербли муҳр босиш керак экан. Шу тўғрими?

— Ҳа, тегишли йўриқномага мувофиқ рўйхатга олиш ҳақидаги штамп хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида гербли муҳр билан тасдиқланади.

— Ассалому алайкум! Мен Андижондан Абдуҷабборовман, укамнинг илтимосига кўра кўнғироқ қилаяпман. Укам чет элда юрганида паспортини йўқотиб кўйибди. У мамлакатимизга қайтиши учун нима қилиши керак?

— Хориждалигида паспортини йўқотиб кўйган Ўзбекистон фуқароси дарҳол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ўша мамлакатдаги ваколатхоналарига ариза билан мурожаат қилишлари лозим. Барча зарур текширишлар ўтказилгач, унга қайтиш учун сертификат берилади. Хориждалигида паспортининг амал қилиш муддати тугаган Ўзбекистон фуқаросига ҳам ана шундай сертификат берилади.

— Алло, Сизларга Термиздан Алексей Иванов кўнғироқ қилаяпти. Бизнинг шахримиз чегара ҳудудига қиради. Россиялик дўстим бизникига келмоқчи эди. Бу ерда хорижлик фуқаронинг бўлиш шартлари қанақа?

— Алексей, Россия Федерацияси фуқароси ўз хорижий паспорти билан чегара ҳудудига кириши учун манзилига етиб келгач, дам олиш ва байрам кунларидан ташқари бир сутка ичида вилоят ХЧК ва ФРБга мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтиши ва вақтинчалик яшаш учун тегишли карточка олиши керак.

Қобилжон ШОКИРОВ,
Ирина САЙФУТДИНОВА.

МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



Республика ИИБ ХЧК ва ФРБ чет эл фуқароларини рўйхатга олишни қайд этиш бўлими бошлиғи, подполковник Қодиржон Зокиров.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан чет элга бориш учун рухсат бериш ёзуви ёпиштирилмаган стикери лойиҳаси тайёрланиб, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 майдаги қарори билан амалга киритилди. Ушбу стикер махсус қоғозда тайёрланиб, унда бир нечта ҳимоя воситаси бор. Ҳозирда фуқароларга чет элга боришларида ХЧК ва ФРБлар томонидан ана шундай стикерлар расмийлаштириб берилмоқда.

— Мен Чилонзор туманидан Гулнора Нодироваман. Сизларга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман.

— Марҳамат.

— Мен Тожикистон Республикасида туғилганман. 13 йил аввал Тошкентга кўчиб келгандик. 1997-2001 йиллар Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиде таҳсил олдим ва икки йилдан сўнг турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Ўзим фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасига эгаман ва Янгийўл туманида доимий рўйхатда қайд этилганман. Тошкент шаҳридаги қариндошимизнинг уйига доимий рўйхатдан ўтиш учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Тошкент

гани ҳақида уларнинг нотариал тасдиқланган аризаси.

Комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли хулосалар қабул қилади. Тошкент шаҳрига доимий қайд этиш масаласи ҳал қилинаётганда комиссия келган фуқаронинг турар-жой, иш ва ижтимоий кафолатланиш имкониятлари билан таъминланишини ҳисобга олади. Комиссия хулосаси ижро этиш учун туман ИИБга юборилади.

— Ассалому алайкум! Самарқанддан Ҳамдамова сизни безовта қилаяпти. Вояга етмаган ўғлимга чиқиш рухсатномасини қаердан, қандай олсам бўлади?

— Бунинг учун Самарқанд вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ариза билан мурожаат этишингиз лозим. Аризага ота-оналарнинг паспортлари нусхаси ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қоғози, 35x45 мм катталигидаги тўрт дона фотосурат илова этилади ва ўша ерда анкета тўлдирасиз.

— Давлат божи қанчаллигини айтсангиз.

— Давлат божи энг кам иш ҳақининг 30 фоизини ташкил этади.

менга паспорт ноқонуний берилганини айтиб, уни олиб кўйишди.

— Бувингиз сизни васийликка олишини расмийлаштирганми?

— Йўқ.

— Унда ходимлар ҳақ. Вояга етмаганларнинг фуқаролиги ота-онаси қайси давлат фуқароси эканлигига қараб белгиланади. Яъни паспорт олаётганингизда сиз ҳам ота-онангиз сингари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмагансиз.

— Энди нима қилишим керак?

— Паспорт олишингиз билан боғлиқ барча тафсилотларни баён қилиб Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБга ариза беринг. Улар масалани кўриб чиқишади.

— Мен Намангандан кўнғи-

шаҳрида яшайман. Ўғлим Россияда яшайди, аммо Ўзбекистон фуқароси. Республикаимизга келиши учун у қандай ҳужжатлар расмийлаштириши лозим?

— Агар паспортининг амал қилиш муддати тугамаган бўлса, бемалол келавериши мумкин.

— Ассалому алайкум! Сиз билан тошкентлик Людмила Қурбонова гаплашяпти. Меҳнат таътилим чоғида вояга етмаган болаларим билан Россияга қариндошларимни кўргани бормоқчиман. Қонунга риоя қилиш учун қандай ҳужжатлар расмийлаштиришим лозим?

— Ўзингиз учун хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш идораларида ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштиришингизнинг ҳожати йўқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигингиз ҳақидаги паспортингиз кифоя. Вояга етмаган фарзандларингизга эса яшаш жойин-



Республика ИИБ ХЧК ва ФРБ фуқароларнинг чет элга кетишларини ташкиллаштириш ва назорат бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Фафур Қосимов.

роқ қилаяпман. Исми-шарифим Сафар Абдуллаев. Айтинг-чи, Наманган ва Андижон вилоятларининг қайси туманлари ҳамда шаҳарлари аҳолиси Қирғизистоннинг бизга кўшни вилоятларига виза расмийлаштирмасдан қисқа муддатта боришлари мумкин?

— Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистонга чегарадош туманлари ва шаҳарларида яшов-

“БевоСИТА мулоқот”нинг белгиланган вақти тугаб бораётган бўлса-да, телефон кўнғироқлари давом этарди. Биз мутахассисларнинг вақти чегараланганини инобатга олиб, юртдошларимиздан ўзларини қизиқтирган саволлар билан таҳририятга мурожаат қилишларини сўраймиз. Биз ушбу мавзуга яна қайтиб, газетхонлар томонидан ўртага ташланган барча масалаларга мутахассислар ёрдамида жавоб беришга ҳаракат қиламиз.



Республика ИИБ ХЧК ва ФРБ аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази бошлиғи ўринбосари, майор Нажмиддин Тўраходжаев.

НОТИНЧ ТУН

Ўтган кеча Исроил қўшинлари Ғазо минтақасини яна ўққа тутди. Ўт очиш чоғида фаластинлик радикал гуруҳларнинг офислари нишонга олинди. Оқруғ пойтахтида ракета зарбалари остида ФАҒХ, “Фаластин озодлиги халқ fronti”, “Халқ қаршилиги қўмитаси” каби йирик экстремистик ташкилотларнинг қароргоҳлари вайрон бўлди. Кўп ўтмай, тун яримдан оғанда бутун Ғазо ҳудудида чироқ ўчиб қолди. Сабаби, снарядлардан бири кичик станцияга зарар етказганди.



Беит-Ханун қўрғонида ҳам авиация зарбалари туфайли электр таъминотида узилишлар юз берди. Аҳоли орасида жабранганлар ва қурбонлар йўқ.

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ҳам тун нотинч кечди. Тонг отиши олдида Исроил қўшинлари ХАМАС ва “Ислом жиҳоди”

ташкilotларининг офисларини тинтув қилишди. Дастлабки маълумотларга қараганда, тинтувдан сўнг мазкур бинолар бузиб ташланган.

Хужумга Фаластин ҳудудидан Исроилнинг мунтазам ўққа тутилишидан ташқари ХАМАС жангарилари томонидан гаровга олинган бизнесменнинг ўлдирилиши ҳам сабаб бўлган. Яқинда намойиш этилган видеотасвирда ишбилармон кўзи боғланган ҳолда ўтирган эди. Орадан бир неча соат ўтиб унинг мурдаси топилди.


ХАМАС вакиллари жума куни намойиш чоғида портлаш юз бериб, 15 аъзоси ҳалок бўлганига исроилликларни айблашяпти. Шу сабабли Исроил ҳудуди ўққа тутилаётганини айтишди. Рақиблари зўрлик ишлатишмаса, ўзлари ҳам ҳужумларини тўхтатишларини билдиришган. Бу баёнотга “Ислом жиҳоди” етакчилари ҳам қўшилишди.

Тель-Авив бундай ваъдаларга унчалик ишонмаяпти. Исроил Мудофаа вазири Шауль Мофаз ўз мамлакатини террорчиларнинг етакчиларига аниқ зарбалар бериш ҳуқуқини сақлаб қолишини билдирди.

ҚУРОЛЛИ ҚАРШИЛИК КЎРСАТГАЧ

Пентагон вакили Брайен Уитмэннинг расман билдиришича, Ироқдаги иккинчи рақамли террорчи йўқ қилинган. Ушбу махсус операция душанбага ўтар кечаси ўтказилган. Махсус бўлинма ҳарбийлари Ироқдаги “Қоида-ал-Жиҳод” ташкilotини молиялаштириб турган Абу Аъзамнинг Боғдоддаги қароргоҳини қуршаб олишди. Террорчи қуроли қаршилик кўрсатгач, йўқ қилинди.

Айнан Абу Аъзам Ироқда жанг қилаётган чет эллик жангариларни, шунингдек, ўтказиладиган террорчилик ҳаракатларини моддий жиҳатдан таъминлаб келган. Америка разведка хизматларининг тасдиқлашича, унинг ўлдирилиши олдинга ташланган қадам бўлди. Абу Аъзам Ироқнинг асосий террорчиси Абу Мусоб аз-Зарқавийнинг ўнг қўли ҳисобланарди. Мамлакат ҳудудидаги радикал диний гуруҳнинг етакчиси бўлган аз-Зарқавийни тутиб берганлар учун америкаликлар 25 млн АҚШ доллари мукофот ваъда қилишган. Энг “қиммат” террорчи Усома бин Лоден бўлиб, уни тутганлар учун 50 миллион АҚШ доллари таклиф этилади.



ТЕРРОР ҲАҚИДА ЯНГИ ҚОНУН

Австралия ҳукумати террорга қарши янги қонунни қабул қилиш ҳақида қарор чиқарди. Бу қонунга кўра мамлакат махсус хизматлари терроризмда гумонланаётган шахсни айб эълон қилмасдан 14 суткагача ушлаб туришга ҳақли бўлишади. Бундан ташқари гумон қилинувчини бир йил давомида кузатиб юришга рухсат этилади. Полициячилар эса шубҳали шахсларни ва уларнинг мол-мулкларини содда-лаштирилган тартибда тинтув қилишлари мумкин. Аэропортларда ҳам ана шу масалалар билан шуғулланадиган бўлинмалар тузилади.

БУ ЭНДИ ЎЙИН ЭМАС

Ташқарида фаолият кўрсатаётган ўйин автоматлари йўқ қилиниши зарур. Брянск вилояти Думаси депутатлари ана шундай қарорга келишди. Бу бежиз эмас, албатта. Милиция статистик маълумотида кўра, болалар ва ўсмирлар “бир қўлли босқинчи” ўйини таъсирга берилиб, жиноятларга қўл уришяпти.

Бундай ўйинлар ҳатто катталар руҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, Брянскдаги қозонхоналардан бирининг слесари эҳтиросга берилиб, 100 минг рубль ютқазиб қўйди ва аламига чиқолмай пулинни қайтариб олиш мақсадида бир неча кишини гаровга олди. Кўриб турибсизки, энди бу ўйин эмас.



ВЬЕТНАМГА ЕТИБ КЕЛДИ

“Дэмри” тўфони Вьетнамнинг шимолий ва марказий провинцияларига етиб келди. Циклон марказида шамолнинг тезлиги соатига 133 километрни ташкил этапти. Унинг кучидан дарахлар илдизпилдизи билан қўпорилляпти, симёғочлар қулаб, электр таъминоти издан чиқмоқда. Тўлқинлар денгиз қирғоғига экинзорларни ҳимоя қилиш учун ўрнатилган тўғонларни ҳам бузиши мумкин. Шунинг учун мамлакат Бош вазири Фан Ван Кхай ёшлар, полициячилар ва ҳарбийлардан иборат махсус отрядларни ушбу тўғонларни мустаҳкамлашга жалб этди.

Қирғоқ яқинидаги қишлоқларнинг аксар аҳолиси турар жойларини “Дэмри” тўфони етиб келишидан илгарироқ тарк этишган эди. Хавфли ҳудудлардан жами 300 мингга яқин аҳоли кўчирилган.

Энди тўфоннинг Таиландга етиб келиши кутиляпти. Мамлакатнинг шимоли-шарқий туманлари аҳолиси сув тошиши ва ер кўчиши мумкинлигидан огоҳлантирилди. Метеорологларнинг тахминларига қараганда, то тўфон тинчигунича уч кун тинимсиз ёмғир ёғиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, “Дэмри” Хитойда 16 кишининг умрига зомин бўлди. 210 мингдан ортиқ киши уй-жойларини ташлаб кетди. 20 мингдан зиёд турар жой вайронага айланди. Мевазорлар ва шолিপоялар жиддий зарарланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ХХР иқтисодига 10 млрд юан зиён етган.



ПОРТЛАШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Чеченистонда йирик террорчилик ҳаракатининг олди олинди. Республиканинг Грозний туманида нефть қудуғига ўрнатилган портловчи қурилма зарарсизлантирилди. Уни Чеченистон ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш хизмати ходимлари кўриб қолишди. Воқеа жойига етиб келган муҳандислик разведкаси мутахассислари қўлбола қурилма соат механизми, қўл гранатомётига ўрнатиладиган снаряд ва детонатордан иборат эканлигини аниқлашди. Ҳозир портловчи қурилмани ўрнатишга алоқадор шахслар қидирилмоқда. Чеченистон ИИБ ҳодиса юзасидан терговсуриштирув ишлари қандай кетаётганлиги ҳақида кейинроқ маълум қилишини билдирди.



СУД ЯКУНИГА ЕТДИ

Мадридда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари бўйича Европада энг йирик суд жараёни якунига етди. “Ал-Қоида”нинг Испаниядаги шахобчаси раҳбари, асли суриялик Имад Яркас 27 йилга озодликдан маҳрум этилди. Тергов маълумотларига қараганда, у 11 сентябрда юз берган портлашларнинг ижрочиларига АҚШга етиб олишларига ёрдам берган, шунингдек, уларнинг фаолиятини молиялаштирган.

Яркасдан ташқари “Ал-Қоида” ташкilotига кўмаклашган яна 17 киши устидан ҳукм чиқарилди. Улар террорга қарши бир неча қонунни бузганликлари учун олти йилдан ўн бир йилгача озодликдан маҳрум этилишди. Маҳкумлар орасида “Al-Jazeera” телеканалининг журналисти ҳам бор. У Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон савдо марказининг осмон-ўпар бинолари портлатилгач, дарҳол Усома бин Лодендан интервью олган эди.

Бир айёр киши дарё соҳилига келиб қараса, бир тўда кўзи ожизлар кечув жойини тополмай туришибди.

— Эй, биродарлар, мен сизларга йўлбошчи бўлиб, дарёдан ўтказиб қўйсам нима берасизлар, — деб сўрабди айёр киши.

— Ҳар биримиз ўн динордан берамиз, — дебди улардан бири.

— Бўлмаса, ҳаммангиз бир-бирингизнинг этакингиздан маҳкам тутиб, тизилинглари, мен олдинда юриб йўл бошлайман.

Улар турна қатор бўлиб сувга тушибдилар. Сувнинг ўртасига борганда орқадан бир киши фарёд қилиб қолибди:

— Эй йўлбошчи, биродарларимиздан бирини сув оқизиб кетди.

— Эҳ, афсус, — дебди айёр киши, — ўн динорим оқиб кетди.

Сал ўтмай яна фарёд эшитилибди.

— Во дариг, — дебди у, — йигирма динорга кўйдим.

Шунда кўзи ожизлар ғавғо кўтариб дебдилар:

— Эй жоҳил, бу қандай гап? Бу аҳволда ҳаммамиз битта-битта оқиб кетамиз-ку!

— Сизларга нима, ҳаммангиз оқиб кетсанглар ҳеч гапмас, икки ўртада мен қуяман. Ҳар бирингиз оқиб кетганда, мен ўн динорга тушайман. Шунча зиён кўриб мен индамаялману, сизлар нега шовқин кўтараяпсизлар, — деган экан айёр киши.

ган бу воқеани халқимиз унутмайди.

Яна бир бор айтиш жоизки, бу воқеадан сабоқ олиш керак. Токи бунинг сабабларини чуқур англамас эканмиз, бундай хавф-хатардан холи бўлиш қийин. Шунинг учун энг аввало огоҳлик зарур.

Қоровулнинг ҳушёрлиги шитирлаган товушга эътибори билан белгиланади. Ўқитувчи эса ўзи илм бераётган ўқувчисининг

буйруқни бажаришга киришган бўлади.

Худди шу каби мияси заҳарланган манқурт одам ахборотлар хуружи авж олган бир пайтда душманни дўст билиб қўлига тушган қуролни ўзиникига қаратиши мумкин.

Шу боис, билимга ва мустақкам дунёқарашга эга бўлмаган фуқаролардан турли ноҳўя ҳаракатлар кутилишини унутмаслик керак. Президентимиз янги даврнинг ўзига хослигини таърифлаб, “Тафаккур” журнали Бош муҳаррирининг берган саволларига жавобида: “Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ жамияти шундай босқичга кирганки, унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади”, — деган эди.

Шунинг учун аввало, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш зарур. Иш ва ташвишларга ўралашиб, уларнинг юриш-туришидан, ўқишидан беҳабар қолиш, болаларни душман қўлига қурол қилиб топшириш билан баробарлигини англаш пайти келди.

Маҳаллада қўшнисининг фарзанди қилаётган ноҳўя ҳаракатни кўриб кўрмаганга олган одам шунинг унутмаслиги керакки, унинг боласи ҳам шу ишни қилиши мумкин. Давр бир болага етти қўшни ота-она, деган ажойиб удумимизни мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Агар андиша ва истиҳолога бориб, айбни яширсак ёки бефарқ бўлсак, билимги, Андижон воқеасидан тўғри сабоқ чиқармаган бўламиз.

Шу ўринда ички ишлар ходимлари ҳам ҳушёрликни оширишлари, бундай ноҳўш ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини кўришлари зарур. Албатта, бунда хизмат вазифаларини адо этишлари билан бир қаторда ўзларининг сиёсий онгини, дунёқарашини мунтазам равишда ошириб боришлари талаб этилади.

Бугунги кунда биз нафақат терроризм, балки ахборот террори билан ҳам курашга тайёр туришимиз керак. Бунинг учун ўқиш, ўрганиш ва замон билан ҳамнафас бўлиш билан бирга, теран тафаккур, зукко билим ва ақлга эга бўлиб, чуқур мулоҳаза ва мушоҳада юрита олишимиз ҳам зарур. Шундагина олдимизга қўйилган вазифани талаб даражасида удалай оламиз.

Шухрат РҶЗИЕВ,
Республика ИИБ ШТБХ
катта инспектори,
майор.

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ ҲУШЁРЛИККА ЧОРЛАСИН

Бу ривоятни бежиз келтирмадик. Нафақат шу йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган воқеалар, балки, 1999 йил Тошкент шаҳрида содир этилган портлашларни ва ундан кейинги қатор террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда айёр, муғамбир кишиларнинг алдовларига учган ёш, навқирон йигитларнинг гўрлиги шундаки, улар йўлбошловчиларига, маслаҳатгўйларига нисбатан жилла курса, шу кўзи ожизлардек эътироз билдиришмади. Модомики, уларнинг шу кўйга тушиши, ота-онаси, қариндош-уруғлари шаънига иснод келтириши, Ватан хоини сифатида жиноий жавобгарликка тортилиши ва узоқ муддатга оиласи, фарзандларидан айри яшашда энг аввало уларни нотўғри йўлга бошлаганлар айбдор эканлиги ойдек равшан.

Вақт олий ҳакам, у ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Кимнинг тўғрилиги, кимнинг эгрилиги аста-секин ойдинлашади. Тили бошқаю дили бошқаларнинг пайтавасига қурт тушадиган дамлар келди. Одил судда аён бўлаётган ҳақиқат нафақат Андижон балки, Ўзбекистон халқи тақдирига аянчли қисмат улашмоқчи бўлганларнинг қилмишларини фош этмоқда.

Нега, нима учун, деган саволларга берилаётган жавобларни тинглар экансан ўзгалар манфаати деб, умрини хароб қилган айбланувчиларнинг қисмати ачинасан, киши. Уларнинг ҳар бирини динорга эмас, балки долларга баҳолаган “ҳомийлар” овозларини чиқармай, панада пусиб туришибди. Буларнинг тақдири эса улар

учун бир пул. Худди эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси деганларидек.

Андижон воқеаларининг сабаблари ўрганилди, ҳамон ўрганилмоқда. Нодон дўстдан ақлли душман яхши деганларидек, ора-миздан чиққан нодонларнинг, ноқобил фарзандларнинг қилмишидан фақат уларнинг ўзлари озор чекмади. Бу нотавонлар етказган жабр, ситам ва озорларни унутишнинг сира иложи йўқ.

Хунрезликлар туфайли бева қолган аёллар, етим бўлган гўдақлар, фарзандининг қабрига тупроқ тортаётиб фарёд қилган оталар, қон йиғлаган оналар ҳаққи бу воқеани унутиб бўлмайди.

Шу боис Андижон воқеасини “Ҳизб-ут-таҳрир” ёки “Акротий”лар қилмишидан бири деб баҳолаш билан чегараланиш тўғри эмас. Чунки, террорчилик ҳаракатлари натижасида юздан зиёд беғуноҳ инсонлар қурбон бўлди.

Бу мудҳиш воқеанингда яна бир даҳшатли томони шундаки, ўртага нифоқ тушди, меҳр-оқибатга, қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатга путур етди. “Сиз чақирмаганингизда бу кўргулик йўқ эди”, “Бетовфиқ болангизга қўшилмаганда фарзандимнинг бошига шу кунлар тушмасди”, деган гапларни айтиб, бир-бирига гина-кудурат қилаётганлар оз эмас. Қолаверса, бирининг қуролдан бошқаси ажал топган қўни-қўшнилари билан болалари ўртасидаги бундан кейинги муносабат қандай бўлишини тасаввур қилинг. Келиннинг акаси бугун Ватанига хиёнат қилган жиноятчи сифатида айбланаётган экан, куёв аёлидан нафрат-

ланмайдими? Унинг фарзандлари жиноятчининг жияни, деган таънага қолди-ку? Тўғри, кимдир ҳар бир киши ўзи учун жавоб беради, дея эътироз билдириши мумкин. Шунинг унутмаслиги керакки, жиноятдан жиноятнинг фарқи бор. Ватан битта, Ватан манфаати эса ҳар нарсадан устун. Мақсадлар муштарак бўлмас экан, келажагимиз ҳавф остида қолиши мумкин. Шу боис, душманлар қўллаган бу усул ва услубда, нафақат миллат ва элатлар, балки, минг йиллик қариндош қудандалар ўртасига ҳам нифоқ солиш мақсади кўзланган.

Шундай экан, Андижон воқеасидан шунчаки хулоса чиқариш эмас, ундан сабоқ олиш керак. Бундан кўзланган мақсад миллат ўртасига нифоқ солиш, унинг бирлигига, самимий муносабатга путур етказиш орқали парокандаликни вужудга келтиришдан иборат эди.

Хўш, Андижонда тўстўполон кўтарган “Акротийлар” кимлар? Халқ тинчлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки жабр кўрган фуқаролар-чи? Ҳаммаси Андижонликлар-ку!

Етти пуштини суриштирсанг барчаси бир-бирига қариндош бўлиб чиқади. Келиб чиққан тўқнашувдан сўнг ана шу қариндошлар ўртасига нифоқ тушди. Тўғрироғи, уни четдан туриб туширишди. Яъни ўзагимизни ўзимизнинг пичоғимиз билан жароҳатлашга ҳаракат қилишди.

Судда ҳақ қарор топади. Жиноят қилганлар қилмишига яраша жазосини олади. Аммо аламлар, ситамлар қолади. Дард, ташвиш, ғам, кулфат, офат ва адоватини қолдир-

онгига бошқа таълим таъсир қила олмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Унинг огоҳлиги, ҳушёрлиги шу билан баҳоланади.

Андижон воқеаларини илмсизликнинг ҳосиласи дейиш мумкин. Шу боис огоҳликни биринчи галда илмдан бошласак маъқул бўлади. Имлони билган мулло бўлавермаганидек, мактабни, лицей ёки коллежни битирган, ҳатто олий даргоҳда таълим олганларнинг барчасини ҳам тўлақонли илмли, деб бўлмайди. Шунинг учун нимани ўқиш билан ўқининг, ўрганиш билан англашининг осмон билан ерча фарқи бор. Қолаверса, инсон ўқиганидан мушоҳада ва ўққанидан мулоҳаза юрита олиши зарур. Акс ҳолда ҳар қанча билим олмасин унинг фойдаси кам бўлади.

Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида фуқароларимиз орасида диний билимнинг саёзлиги, айрим кимсаларнинг ғаразли мақсадлари учун қўл келган. Орадан йиллар ўтди, оққорани аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Аммо ҳанузгача айрим ёшлар бировларнинг алдовига учиб юришибди.

Назаримизда бунинг асосий сабаби, уларнинг ақл билан иш юритмаслиги ва мулоҳаза қилмаслигидадир. Бир жангари фильмда миясига буйруқ берувчи ускуна жойлаштирилган кўғирчоқ аскар қуролни шу қадар маҳорат билан ишлатадики, бундан эгаси жуда қувонади. Аммо у қандайдир сабабга кўра душман қўлига тушиб қолиб, хўжайинига ўқ уза бошлайди. Чунки миясидаги ускуна душман томондан берилган

Учинчи... умр

Катта сержант Тоҳиржон Маннопов билан суҳбатимиз бир соатга яқин давом этди. Унга тикилиб туриб ўша машъум кун — 2005 йил 13 майдаги воқеаларни эслаш нақадар оғир кечаётганини ҳис қилдим. Ўша кунни у камида уч марта ўлимдан қолди...

ИПХ инспектори, катта сержант Т. Маннопов 13 май куни соат олтида хизмат жойида эди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси шахсий таркиби жанговар ҳолатга келтирилганди. Яқинда етиб келган ходимлар шаҳарда террорчилик ҳаракати юз бергани ҳақида огоҳлантирилди. Йиғилишдан сўнг ИПХ ходимлари фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун Навоий шоҳкўчасига кўчаларни тўсишга юборилдилар. Катта сержантлар Т. Маннопов ва П. Асқаровга кўчалардан бирини тўсиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун катта юк машинаси зарур эди. Улар юк машинаси топиш учун Фитрат кўчасига чиқишди. Вилоят ҳокимияти томон бораётганларида ўқ ёмғири остида қолишди. Маннопов бошидан яраланиб, хушидан кетди. Кўзини очганида атрофини қуролланган кишилар ўраб туришарди.



— Мен халққа ўқ отганим йўқ! Хўжайинларингизга шунга айтиб қўйинглар, — зўрға гапирди Тоҳиржон. — Сизларга айтадиган бошқа гапим йўқ!

— Мижоз ҳали интервью беришга тайёр эмас экан, — телефонли кимсанинг ҳафсаласи пир бўлди. — Тайёр бўлиши заҳоти менга айтинглар.

Шундан сўнг бир неча киши худди буйруқ олгандек катта сержантни аёвсиз калтаклай бошлашди. Маннопов гоҳида хушидан кетар, ўзига қелиши билан яна калтаклашарди. Бу қанча вақт давом этганини билмайди. Унга қўйноқларнинг чеки йўқдек туюлар эди. Кечга томон фойега автоматли бир неча киши кирди.

— Буларни отиб ташлаш керак! — буюрди уларнинг бири қонга беланиб ётган Манноповга ва яна бир неча гаровдагиларга ишора қилиб.

Уларни ҳовлига олиб чиқиб, саф торттиришди. Автоматларни отишга шайлашди.

Шу пайт кимнингдир буйруғи янгради:

— Тўхтанглар! Ўқни зое кетказишнинг нима ҳожати бор. Уларни ўзимизга қалқон қиламиз.

Гаровдагиларни иккита-ик-

кита боғлаб, уларга пана бўлиб террорчилар вилоят ҳокимияти ҳудудидан чиқишди. Навоий шоҳкўчаси бўйлаб одамларни ўзларига жонли қалқон қилиб боришар экан, тўрт томонлари-га ўқ ёғдиришарди.

Пойафзал фабрикаси ёнида Т. Маннопов оёғидан яраланиб йиқилди. Террорчилар уни ўлди деган гумонга бориб, ариққа ташлаб юборишди. Маннопов сув ичида қанча пайт ётганини билмайди. Аммо бу сафар ҳам умридан бор экан. Кечаси алламаҳал яқин атрофдаги уйларда истиқомат қилувчилар уни ариқдан чалажон ҳолда чиқариб олишди. Эрталаб эса йўловчи машинада касалхонага жўнатишди.

Соғайиши осон бўлмади. Аввал вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказида операция қилишди. Сўнг республика ҳарбий госпиталида, ИИВнинг Намангандаги республика физиотерапия касалхонасида даволанди.

Катта сержант Тоҳиржон Маннопов 1977 йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилган. Пахтабоддаги ҳунар-техника коллежини тугатгач, ҳарбий хизматга қақриди. 1998 йилдан буён ички ишлар идораларидан фаолият кўрсатади. Хизматни Избоскан тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмасида оддий милиционерликдан бошлади. 2004 йилда Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ ИПХ инспектори этиб тайинланди.

Бурчиға садоқати, хизмат вазифасини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги ва фидойилиги учун Т. Маннопов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.



Катта сержант Қурбонали Абдуллаев 1975 йилда Андижон вилояти Хўжаобод туманининг Булоқбоши қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, Андижон машинасозлик лицейига ўқишга кирди. 1994 йилда Қуролли Кучлар сафига қақриди. Ҳарбий хизматни Миллий гвардия бўлинмасида ўтади. 1997 йилда Андижон вилояти ИИБнинг махсус отрядига қабул қилинди. Ҳозирда Қ. Абдуллаев вилоят ИИБ ИПХ ва ЖТСБ 2-отряди гуруҳ сардори.



Ҳали ҳаммаси олдинда

Хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги ва фидойилиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ «Жасорат» медали билан тақдирланди.

2005 йил 13 май куни таркибида катта сержант К. Абдуллаев ҳам бўлган ИПХ батальони ходимларининг бир гуруҳи шаҳар кўчаларидан бирини ўраб олган эди. Бу кўча террорчилар эгаллаб олган вилоят ҳокимияти биносига олиб борарди.

Кеч соат 20.00 га яқин Эски шаҳардаги «Жень-шень» дорихонаси яқинида яраланган ходимларни отишмалар давом этаётган ҳудуддан олиб чиқиш ҳақида рация орқали буйруқ олинди. Гуруҳ командири капитан Шухрат Зоҳидов ҳайдовчиға автобусни кўрсатилган туман томонга ҳайдашни буюрди. Автобус дорихонага яқинлашганида уйларнинг томига ўрнашиб олган террорчилар қуролларидан ўқ ёғдира бошладилар. Гуруҳ командири Ш. Зоҳидов ҳалок бўлди. Шахсий таркиб бунга жавобан террорчиларга қарата ўт очишди. Ёрдамга етиб келган ҳарбийлар жангариларнинг ўт очиш нуқталарини йўқ қилишди. Отишма чоғида катта сержант Қ. Абдуллаев яраланди. Уни вилоят шошилинч ёрдам кўрсатиш марказига юборишди.

— Ҳарбий хизматдан қайтгач, қайси ишнинг бошини тутиш-

ни билмай юрардим, — дея ҳикоя қилади Қурбонали. — Бир кунни уйимизга Шермуҳаммад амаким келиб қолдилар.

— Қаерда ишламоқчисан? — деб сўрадилар у киши.

— Бошим қотиб турибди, нима қилишга ҳайронман, — деб жавоб бердим.

— Нега бошинг қотади? Сендан яхши ички ишлар ходими чиқади! Бориб шартга ариза ёз.

Шу сўзлардан сўнг барча шубҳа-гумонларим тумандай тарқаб кетди. Эртаси кун Андижон вилояти ички ишлар идораларига ишга қабул қилишларини сўраб ариза ёздим.

— Катта сержант Абдуллаев энг яхши ходимларимиздан бири, — дейди Андижон вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Азамат Тошбоев. — У мустақил фикрли, интизомли, сафдошлари хурматини қозонган. Бу йигит ниҳоятда ҳаракатчан, эришганларига қаноат қилиб ўтирмайди, ҳамisha олдинга интилади. Яқинда Андижон Давлат университетини сиртдан тамомлайди. Ишончим комилки, у намунали офицер бўлиб етишади.

Қурбонали турмуш ўртоғи Дилором билан икки фарзандни вояга етказишяпти. Ўғиллари Муҳаммадусуф бу йил биринчи синфда ўқияпти. Қизлари Мавлуда икки ёшга тўлди.

Катта сержант Қурбонали Абдуллаевнинг ҳаёти ҳали олдинда. Ватаннинг юксак мукофоти жонажон Ўзбекистоннинг тинчлик-осойишталигини кўриқлашда унга янги куч-ғайрат бахш этиши шубҳасиз.

Борис КЛЕЙМАН.

ХИЗМАТ ФИДОЙИЛАРИ

ЎЗИ ЁШ, КЎПГА БОШ

Камолитдин Ибодуллаев ўз меҳнат фаолиятини Янгиариқ тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлимида оддий соқчиликдан бошлаган. Ёдида, неча бор бошқа хизматга ўтиш ҳақида таклифлар бўлган. Бироқ у ҳаммасини рад этган. Ўрганиб қолган жойи, қолаверса, дарахт бир жойда кўкаради.

— Даврнинг ўзи одамларни жасоратга бошламоқда, — дейди Камолитдин. — Йигитларимизнинг шижоатини кўриб ҳавас қиласиз. Спортда ҳам муносиб ютуқларни қўлга киритишяпти.

Кўриқлашда ишлашнинг масъулияти ўзгача. Камолитдиннинг бахти тажрибали ва яхши инсонлар билан бирга ишлагани. Полковник Аминбой Тожиев, подполков-

никлар Бахтиёр Қутимов, Ҳожиқурбон Йўлдошев, майор Қарамон Султоновлардан кўп нарсани ўрганди. Уларнинг панд-насихатлари ҳар доим мадад берди. Ҳожиқурбон аканинг «Ҳар ким ўз қадрини билиши лозим. Шундагина бошқаларнинг қадрига етади», деган бир яхши гапи бор.

Камолитдин Фаргона политехника институти-

ни битиргач, 1996 йили Янгиариқ тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими марказлашган кўриқлаш маскани бошлиғи, орадан бир йил



ўтиб, вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими муҳандис-инспектори, кейинроқ Хива тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бош-

лиғи, шу йил бошидан эса вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

— Ҳаёт жуда тез ривожланиб бормоқда, — дейди К. Ибодуллаев. — Шундай экан ҳар бир ишга улгуриш учун кўпроқ ишлашга тўғри келади. Баъзан уйга жуда кеч қайтаман. Лекин оилам, фарзандларимни кўрсам ҳаммасини унутаман. Чарчоқлар ёзилади. Яширмайман, ишда талабчанман. Бусиз иш бит-

майди. Тартиб-интизом бор жойда олдинга силжиш бўлади.

Камолитдин ёш, аммо кўпга бош. Унинг дилига тугиб қўйган орзу-истаклари бисёр. Режалари амалга ошишида унга омад ёр бўлсин, деймиз.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Суратда: вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, капитан Камолитдин Ибодуллаев (ўртада) катта инспектор, майор Далил Раҳимов, бўлима сардори, катта сержант Иброҳим Юсуповлар билан суҳбатлашмоқда.

Ф. МУҲАММАДИЕВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони мустақиллик шарофати билан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий соҳаларида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотларнинг мантқиқий давомидир. Ўз моҳияти, аҳамияти жиҳатдан жаҳон ҳам-жамияти эътиборини тортмоқда. Республика ИИВ ЖИЭББ бошлигининг ўринбосари, полковник Салимжон СОБИРОВ билан суҳбатимиз ана шу муҳим масалага бағишланди.

— Ўлим жазосини бекор қилиш масаласи яқин ўтмишда ўртага ташландими ёки илдири узок тарихга бориб тақаладими?

— Тарихга назар солсак, ҳар бир даврнинг ўзига яраша қонун-қоидалари, тартиб ва интизоми бўлган. Уларга сўзсиз итоат қилувчилар билан бирга бўйсунмайдиганлар ҳам топилган. Яхшилик олқишланиб, рағбатлантирилган, ёмонлик жазоланган. Жиноятга жазонинг муқаррарлиги ҳамма давр ва тузумлар учун ҳосдир. Мозийда оғир жиноятларга қўл урганлар дорга осилган, баланд миноралардан ташлаб юборилган, тириклайин ёқилган. Аммо ўша яқин ҳокимлик даврларида ҳам бундай шафқатсиз, ноинсоний жазоларга қарши турувчи илғор фикрли, инсонпарвар, адолатпеша кучлар, оқиллар топилган.

Мутахассисларнинг ёзишича, ўлим жазоси қўлланишини бекор қилиш масаласи биринчи марта XVIII асрнинг охирида Европада кўтарилган экан. Ўтган вақт мобайнида у тобора кескинлашиб, XIX аср ўрталарига келибгина қонуний асосларда ҳал қилишга киришилган. Бугунги кунда дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатнинг 112 тасида ўлим жазосини қўллаш бекор қилинган. Уларнинг аксарияти ривожланган давлатлардир.

— Юртимизда ўлим жазоси бекор қилиниши учун асос бўлган омиллар нималардан иборат?

— Республикаимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданок давлатимиз сиёсатининг бош йўналишини жамиятимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон эрки, шаъни, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ташкил этди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республи-

зонинг тарбиявий аҳамияти ҳам ошиб, қайта жиноят содир этиш ҳоллари озаймоқда. Шундай қилиб ҳозирги кунда республикада содир этилаётган жиноятларнинг атиги 0,4 фоизигина ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлган жиноятларни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, жиноий жазоларнинг енгиллаштирилиши ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш сиёсати жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Ўлим жазосини бекор қилишга асос бўладиган му-

ри Юртбошимиз И. А. Каримовнинг ушбу фармонини шарҳлашда давом этиб, кишилик жамияти учун беқиёс аҳамиятга эга эканлигини эътироф этмоқдалар.

Франция стратегик текширувлар фондининг Марказий Осиё ва Кавказ бўлими раҳбари А. Жафалиянинг таъкидлашича, ўлим жазосини қўллаш масаласи жамият фа-

«...суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир».

И. КАРИМОВ.

билан ҳамоҳанг бўлиб, ундан кўзланган мақсад битта — мамлакатда қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва Европа мезонлари даражасига эришишдир.

— Фармон талабларини амалга ошириш борасида қатор тадбирлар кўриш назарда тутилган. Янги-янги вазифалар қўйилиб, масъулият юкланмоқда. Бу йўналишда тажрибамиз йўқ, десак муболаға эмас...

— Тўғри айтасиз. Бу нафақат фуқароларимиз, балки биз, ходимлар учун ҳам қувончли янгиликдир. Ислохотлар босқичма-босқич олиб борилаётганининг афзалликлари ҳам шундан иборатки, аввал гапирганимдек, мавжуд 33 та ўлим жазоси қўлланилган моддаларнинг йилмайил камайтирилиб борилиши ва умуман бекор қилиниши тизимимизда ислохотларни жадаллаштиряпти. Ахир, ислохотлар бир ёқлама бўлмайпти-ку.

Албатта, авваламбор, шахсий таркибни бу ўзгаришларга тайёрлаш, янги режалар, тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Ҳозирданок бу йўналишда илғор давлатлар эришган тажрибалар, меъёрий ҳужжатларни ўрганишга киришилди.

Муҳими, фуқароларимизни бунга маънавий, руҳий тайёрлаш. Негаки, бутун дунёда террористик, турли диний-экстремистик гуруҳлар томонидан тинчлигимиз, хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид кучаяётган бир даврда омма Фармоннинг туб моҳиятини англамоғи, уни тўғри талқин этмоғи лозим. Шу мақсадда аҳолининг турли қатламлари орасида кенг қамровли тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши назарда тутилган.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши фақат юридик хусусиятга эга дейиш нотўғри. У сиёсий, маърифий ва бошқа соҳаларни ҳам қамрагандир. Миллий қонунчиликни умум олинган меъёр ва андозаларга мослаб, демократлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш йўли билан яратиш кўзда тутилган. Асосий мақсад — шахсни ҳимоялаш, унинг эрки ва ҳуқуқларини таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилдиришдир.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

касининг Жиноят, Жиноят-процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига мувофиқ ўта оғир саналувчи жиноятлар қайта таснифланиб, улар сони анчага камайтирилди. Шунингдек, жиноий жазоларни либераллаштириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, айрим жазо турлари ҳам қайта кўрилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари билан алмаштирилди.

Шўролар даврида қабул қилинган Жиноят кодексига 33 та моддада ўлим жазоси қўлланиларди. Мустақилликнинг учинчи йилида қабул қилинган кодексда бундай жазолар 13 та моддага сақланиб қолганди. Босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар натижасида 2003 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига фақат икки турдаги: ўта оғир, яъни айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда — одам ўлдириш ҳамда терроризм учун олий жазо қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, қонунчиликда ўлим жазоси кўзда тутилгани билан бу жазо алоҳида, оғирлаштирувчи ҳолатлардагина қўллаб келинган.

Ислохотлар натижаси ўларок, республикада оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиши йилдан-йилга камайиб борапти. Агар 2000 йилда мамлакатимизда 31.276 та оғир ва ўта оғир жиноятлар қайд этилган бўлса, 2004 йилга келиб бу рақам 18.401 тани ташкил этиб, қарийб икки бараварга ёки 41,1 фоизга камайганини кўрсатяпти. Камайиш билан бирга жа-

ҳим омиллардан бири — мамлакатда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг инсон манфаатлари, унинг шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясига қаратилганидир.

— Мамлакатимиз Конституциясида: “... яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир” дейилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур Фармоннинг қанчалар ҳаётлий эканлиги, ўз вақтида қабул қилинганлигини таъкидлаш жоизмикан?

— Ушбу Фармоннинг моҳияти муқаддас Ислום дини таълимоти билан уйғун, мутаносиб эканлигини айтиш мумкин. Яъни, инсон жамияти мавжудотлар ичида Аллоҳнинг алоҳида назари тушган жонзотдир. Бандасида мавжуд хислатлар қолган ҳеч қайси жониворда тўлиқ мужассам эмас. Ана шу юксак даражадаги онг соҳиби қилиб яратилган зотнинг умрини қирқиш, у ёки бу мақсадни кўзлаб жонига қасд қилиш — на диний ва на дунёвий нуқтаи назардан тўғри келмайди. Инсон шаъни ҳамиша улуғланиши зарур. Аммо бу ҳамма вақт ҳам ҳаётда ўз ифодасини топмаган. Биргина қатагон йилларини олайлик. Минглаб бегуноҳ одамлар судсиз, сўроқсиз қатл этилганлар. Шу боис, Президентимизнинг бу борадаги дадил қадами нафақат фуқароларимиз, балки бутун дунёда мамнунлик билан қарши олинди.

— Масалан қаерларда? Шу ҳақда батафсилроқ айтиб ўтсангиз.

— Жаҳоннинг ривожланган давлатлари оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилотлари, турли сиёсий, илмий муассасалар вакилла-

олиятининг нафақат қонуний-ҳуқуқий, балки сиёсий фаолиятига ҳам тегишлидир. Унинг фикрича, Ўзбекистон кун сайин жаҳон ҳамжамияти билан жипслашиб бормоқда. Чунки кўпчилик халқаро ташкилотлар учун ўлим жазосини бекор қилиш — мамлакатнинг демократик давлат эканлигини намоён этувчи асосий омилдир.

АҚШнинг Ж. Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ф. Старрнинг ёзишича: “...Ўзбекистон Президенти республикада ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилиб ўтирмасдан, уни биратўла бекор қилди ва ўзининг бу масалада яқдил ва собитқадам эканлигини кўрсатди”.

“Ушбу қарори билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг юридик тизимини либераллаштириш ҳамда мамлакатда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам қўйди”, дейди профессор К. Малфит (Белгия).

“Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши тўғрисидаги Фармон Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг хоҳиш-истакларига мос тушадиган тўғри қарордир”, деб ҳисоблайди Лувен университети (Белгия) профессори Р. Якемчук. Олимнинг фикрича, Фармоннинг кучга кириши мамлакатнинг демократия йўлидан боришини таъминлайди ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармони республика суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган улкан ислохотлар

САДОҚАТ БЕШИГИ

Ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот посбонларининг дарғаларидан бири бўлган генерал-майор Фуломжон Зокиров ҳақида эшитмаган-билмаганлар кам топилади. У кишининг оламдан ўтганига анча йиллар бўлганига қарамай, у ҳақида илиқ таассуротлар ҳали-ҳануз унутилгани йўқ.

Фарғона шахридаги ўқувчиларни ҳуқуқий касбларга йўналтирувчи лицей эл-юртга садоқати билан танилган ана шу мўътабар инсон номи билан аталади. Мазкур ўқув даргоҳини нисбатан ёш деб аташ мумкин. Аммо ўтган ўн йил мобайнида билим даргоҳи ўзига яраша нуфузга эга бўлди.



— Лицейда 405 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Жўрабой Эргашев. — Уларга қайси фандан дарс бермайлик, биринчи галда мурғак қалбларда Ватанга, элу юртга садоқат руҳини сингдиришга ҳаракат қиламиз. Ёшларни худди генерал Зокировдек билимдон, жонкуяр ва ватанпарвар бўлишга ундаймиз.

Кези келганда суҳбатдошимиз ҳақида икки оғиз сўз: доцент Жўрабой Эргашев меҳри дарё муаллимлардан. У ўттиз йил Фарғона Давлат университети-

да талабаларга сабоқ берди. Ўн йилдан бери эса мазкур илм даргоҳида фаолият кўрсатмоқда.

Унинг ҳамкасби — рус тили ўқитувчиси Эльза Николаевна Ким эса тиришқоқлиги ва чинакам мураббийга хос салоҳияти туфайли халқ таълими аълочиси бўлган. Худди шунингдек, давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси Маҳбуба Тошматова, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Анваржон Абдурахимов, тарих фани билимдони Маликаҳон Узоқовалар ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтса бўлади.

Уларнинг бошқалардан қан-

дай фарқи бор, деган саволга, аввало, эл-юртга, танлаган касбларига ва албатта болаларга меҳри бўлакча, дея жавоб қайтариш ўринли бўлади, назаримизда. Яна шунини унутмаслик керакки, мазкур илм даргоҳида ўқувчилар пухта билим олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайёлиги ҳам эътибор-

га молик. Лицейда 47 та синф хоналари мавжуд бўлиб, иккита компьютер ҳамда лингофон хонаси, ҳуқуқ асослари, криминалистика, касб танлаш, ҳарбий тайёргарлик хоналари энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Спорт ва фан тўғрисида мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда, мақсадли

тайёргарлик машғулотларининг давомийлигига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Ҳатто, ётоқхоналарда ҳам ўқувчиларнинг ўз устларида ишлашлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Энг муҳими, бу даргоҳда ҳақиқий бахтни ўзлари тарбиялаётган ёшларнинг камолини кўриш деб биладиган фидойи ўқитувчиларнинг фаолият кўрсатаётганлигидир. Улар 42 нафар бўлиб, олти олий тоифали, 19 нафар биринчи тоифали мутахассислардир.

Ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда, улар чекаётган заҳматлари зое кетмаётганидан мамнун эканликларини билдирдилар. Уларнинг шогирдлари ҳар йили республика миқёсида ўтказиладиган анъанавий “Амир Темур авлодлари” ҳарбийлаштирилган спорт мусобақаларида беш марта биринчи ўринни эгаллашди. Республика ҳарбий лицейлари ўртасида ташкил этилган футбол мусобақасида ҳам фарғоналикларга фахрли ўрин насиб этди.

Биз лицей ўқувчилари билан хайрлашар эканмиз, ўзлари учун азиз ва ардоқли бўлиб қолган мураббийларга энг эзгу тилакларини билдиришди.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

Умри оқар дарё, десалар негадир менга эриш туюларди. Аслида тезоқар дарё экан. Яқиндагина тиббиёт институтида ўқиб, қачон мустақил равишда шифокор бўламиз, деб юргандик. Дастлабки иш бошлаган кезларимиз ҳамон кўз олдимиздан кетмайди. Муҳаббат опа Абдуллаева мени ишга қабул қилгандилар.

ҚАЛБИ ДАРЁ УСТОЗ ЭДИ

Гоҳида айрим аёлларнинг ҳам ишлаб, ҳам бола боқаманми, дея нолишини эшитиб Муҳаббат опа эсимга тушади. У кишининг ҳам фарзандлари кичик ёшда бўлган. У даврлардаги шарт-шароитлар ҳозиргидек эмасди. Лекин Муҳаббат опанинг бирор марта ишдан ёки оиласидан нолиганини эшитмаганман. Агар бирор ходимдан норозилик сўзлари эшитсалар унга насиҳат қилардилар.

— Ҳаёт интилган, ҳаракат қилган кишига муруват кўрсатади, — деган гапни такрор-такрор айтдилар.

Бирор ходим ёрдамга муҳтож бўлиб қолса, Муҳаббат опа доим тайёр эдилар. Айниқса, ёшларга алоҳида эътибор берардилар. Тушунмаган билмаган нарсасини сўрашдан уялган, тортинган кишини ёқтирмасдилар.

— Ҳеч ким онасидан моҳир шифокор бўлиб туғилмайди. Ўқиб, ўрганиб, сўраб, билим, тажрибани ошириб бориш мумкин, — дердилар.

Табобат ҳам гоҳида айрим касалликлар олдида ожиз қолади. Ана шундай дамларда Муҳаббат опа беморга ширин сўз айтиб, кўнглини кўтариш лозим, дердилар.

Муҳаббат опанинг ҳарбий-тиббий комиссияга раҳбарлик қилган йилларидаги фаолияти айниқса ибратли бўлган. Эсимда, ички ишлар идорасига ишга кириш учун тиббий кўрикдан ўтаётган бир йигитнинг юрагида касаллик аломатлари сезилиб қолади. Шифокорлар уни хизматга яроқсиз, деб хулоса беришади. Йигитнинг эса соҳага иштиёқи зўр. У астойдил куюниб Муҳаббат опанинг олдига киради. Тиббий хулосалар билан яхшилаб танишиб чиққан Муҳаббат опа уни даволашнига юборди. Бир эмас уч марта даволанишдан ўтган йигитнинг юрагида касалликдан асар ҳам қолмайди. Хизматга қабул қилинади.

Бундай воқеа бир эмас, бир неча марта бўлган. Даволаса бўладиган касали борларга рад жавоби

беришга шошилмаслик керак, дердилар.

Устозларнинг меҳри дарё, деганларига Муҳаббат опа ёрқин мисол бўлаолади. Иш пайтида, хизмат даврида албатта янглишмовчилик, англашилмовчилик, айрим хатолар учраб турарди. Ана шундай дамларда Муҳаббат опа шошилмай, йўл қўйилган хатонинг илдизини топиб, ўрганиб, кейин хулоса чиқарардилар. Шу боис ҳам бирор ходимдан улар ҳақида ноҳўя гап эшитмаганмиз.

Муҳаббат опа Абдуллаева фарзандларини ўзлари орзу қилган тарзда тарбияладилар. Ўгли Фирдавс Зайнутдинов режиссёр, қизи Динара Зайнутдинова ИИВ Академияси тиллар кафедраси бошлиғи. У полковник унвонига эга.

Устоз қалби пок, ҳалол, меҳрибон шифокор эдилар. Унинг йўлини давом эттиришга аҳд қилган невараси Комила шифокорлик касбини эгаллаш учун Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олмоқда.

Муҳаббат опа бутун иш фаолиятини тиббиётга бағишлаб, оддий ходимдан подполковник даражасига кўтарилдилар. Соҳани ривожлантиришдаги фидойилиги ҳисобга олиниб, у кишига “Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” унвони берилган.

Устоз ҳақида яна кўп гаплар айтиш мумкин. Яхши одамлар учун ҳар қанча илиқ сўзлар оз. Фақат биз, шогирдларда бир армон қолди. У ҳам бўлса шу йил август ойида устознинг табаррук 80 ёшини бирга нишонламоқчи эдик. Шафқатсиз ўлим эрта баҳорда Муҳаббат опани орамиздан олиб кетди. Бироқ устоз хотираси қалбимизнинг тўрида қолди.

Суннат ТОЛИПОВ,
полковник.

ЗОЕ ЎТМАЁТГАН УМР

Жавлон ака табиатан босиқ, камтарин инсон. Уни доимо бирор иш билан банд ҳолда учратасиз. Баҳлашиш, вақтини беҳуда ишларга сарфлашни сира ёқтирмайди. Хизматга тааллуқли масалалар устида бош қотириш, фойдали маслаҳатлардан тўғри хулоса чиқаришни яхши кўради. Оилага эътибор бериш, болалар тарбияси билан жиддий шуғулланишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади...

Бу Жавлон акани билган, уни дўст деб тугинган инсонларнинг гаплари. У билан суҳбатлашар эканман, камтаринлик қилдим, ўзи ҳақида гапиришни истамади.

— Ёшлар ҳақида ёзинг. Улар ҳали кўп йиллар хизмат қилиши керак. — деди у рўпарасида ўтирган Маҳмуджонни биз билан таништираркан.

— Жавлон ака менинг устозим, — дея гапга қўшилди вилоят ИИБ ҳарбий сафарбарлик ишлари ва фуқаролар мудофааси

димлар билан ўтказиладиган тадбирларда ҳам фаол иштирок этади.

Жавлон ака шогирдининг бу гапларидан бироз хижолат чеккандек бўлди. — Биласизми, мен ўз ишимга боғлиқ қолган декман, — деди у. — Меҳнат кишини тетиклаштиради, унга завқ-шавқ бағишлайди, руҳан куч ато этади. Қайсирун китобда: “Одамнинг табиати қизиқ яратилган. У бойлигини йўқотса хафа бўладию, умри зое кетаётганига сира парво қилмайди”, деб ёзилганди.

Жавлон ака турмуш ўртоғи Қурбоний опа билан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Тўнғич ўғил Давронбек Урганч Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини тугаллаш арафасида. Унинг орзуси ота касбини эгаллаш. Наргиза Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олмоқда. Кенжатай Равшан ҳам талаба. Жавлон аканинг улардан кўнгли тўқ.

Жавлон Қўчқоровнинг шогирдлари кўп. Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари, катта лейтенант Алишер Мухторов, кичик сержант Русланбек Матчонов, бошқарма катта инспектори, майор Маҳмуджон Қориев, хўжалик бўлими ходими Илҳом Юсуповлар шулар жумласидандир. Бу йигитлар ҳам устозлари каби меҳнатсевар, ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашишади.

“Кимнинг дўсту биродарлари кўп бўлса, сен ҳам унга яқин бўл. Ана шундагина кўнгли пок, чинакам инсонни топасан”, деган экан алломалардан бири. Қаҳрамонимиз ҳам покиза қалб эгаси бўлгани учун дўстлар, шогирдлар қуршо-вида. Ҳали у яна кўплаб жасур, мард йигитларга устозлик қилади.

Худойберган ЖАББОРОВ,
СУРАТДА: капитан
Ж. Қўчқоров шогирди, кичик сержант Русланбек Матчонов билан хизмат пайтида.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.



гуруҳи катта инспектори, майор Маҳмуджон Қориев. — Улар билан деярли ҳар кун учрашиб, маслаҳатлар олиб тураман. Газетага ёзса арзийдиган инсон. Мана, 20 йилдирки, бир соҳада — бошқарманинг хўжалик бўлимида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Жавлон ака ўқув амалий машғулотларда ҳам, ёш хо-

Ҳақиқатан ҳам вақтнинг қадрига етмаймиз. Мен умримнинг зое кетишидан кўрқаман. Эркак киши фақат хизмат вазифаларини бажариш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Унинг елкасида оғир ва масъулиятли юк бор. У вақт топиб, тўю маракаларда қатнашиши, фарзанд тарбияси билан ҳам шуғулланиши зарур.

ДУШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканал

6.25 Курсатувлар дастури. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.45 «Тахлилнома»... 8.50 «Олтин мерос»... 9.00 «Экспедиция». Хужжатли телесериал. 9.50 «Зийнат». «Болалар сайёраси»... 10.10 1-«Уйла, Изла, Топ!»... 10.50 2-«Кузи кемачалар»... 11.00 «Ахборот»... 11.10 ТВ-анонс. 11.15 «Омон бўлинг!»... 11.20 «Ибн Сино ҳақида ривоятлар»... 11.40-12.10 «Олтин бешик»... 16.55 Курсатувлар дастури ва рекламалар. 17.00 «Ахборот»... 17.10 ТВ-анонс. 17.15 «Эртақлар – яхшиликка етаклар»... 17.35 Биржа ва банк хабарлари. 17.45 ТВ-анонс. 17.50 «Олтин мерос»... 18.05 «Ибн Сино издошлари»... 18.20 ТВ-анонс. 18.25 «Равнақ» студияси намойиш этади. 18.40 «Окшом наволари»... 18.50 «Ошин». Телесериал. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 «Узлотто» кундалиги ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 21.30 Эълонлар. 20.00 «Омон бўлинг!»... 20.05 «Эгизаклар». Телесериал премьераси (Корея) 21.00 «Ахборот»... 21.35 ТВ-анонс. 21.40 Олтин мерос. 21.50 «Аср вабоси». 22.05 ТВ-анонс. 22.10 «Уста Ҳасан». Телесериал премьераси. 23.00 «Қўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш) 23.10 «Лафз». Видеофильм. 1-қисм. 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Курсатувлар дастури. 7.00 «Давр» ҳафта ичида. 7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 8.30 «Кук сичонча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари». Мультсериал. 8.50 Мафтунингман, диёрим!. 8.55 «Қадимги мавжудотлар». Илмий-оммабоп фильм. 4-қисм. 9.25 Болалар шеърляти. 9.35 «Очик дарс». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 10.25 Катта танаффус. 10.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал. 11.35 Ракурс. 12.00 «Кино SMS» танлови. 12.05 Чемпион сирлари (рус тилида). 12.25 Илдиш ва япрог. 13.00 Давр. 13.10, 16.15, 19.35, 22.35 ТВ-анонс. 13.15 «Алп йигитнинг уйла-ничи». Бадиий фильм. 14.20 Биринчи устозим. 14.40 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.00 Менимча. 15.05 Келажакка соғлом нигоҳ билан. 15.40 Матонат. 16.00 Давр. 16.10 Мафтунингман, диёрим! 16.20 «Даллас». Телесериал. 17.05 Курсатувлар дастури. 17.10 «Янги авлод» почтаси. Билангон маслаҳати. 17.40 Бир дақиқа. 18.00 Менимча. 18.05 Ёшлар овози. 18.15 Ёнимдаги бахт. 18.20 Утқир Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». 1-қисм. 18.50 Мафтунингман, диёрим! 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.40 ТВ-адвокат. 19.45 Олис манзиллар. 20.00 Мусликий лаҳза. 20.05 «Ёшлар» телеканаллари.

нинг фототанлови. 20.10 «Чорраҳадаги уй». Кўп қисмли видеофильм. 20.40 Хамкор-2005. 20.50 «Кино SMS» танлови. 20.55, 21.45 Эълонлар. 21.00 «Изкувар Заррас». Телесериал. 21.50 Мафтунингман, диёрим!. 22.00 Давр. 22.40 Мусликий лаҳза. 22.45 Спорт антологияси. 22.50 «Ёшлар» телеканаллари спорт дастури: Интер-футбол. 23.40 - 23.45 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

18.20 Курсатувлар тартиби. 18.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус). 18.50 «Мульткарусель» (рус). 19.00 «Экспресс» телегазетаси. 19.20 «Мультчархалак». 19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз». 20.00 «Пойтахт» ахборот дастури. 20.20 ТТВда сериал: «Морена Клара». 21.00 «Экспресс» телегазетаси. 21.20 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда». 21.40 «Пойтахт плюс». 22.05 Кинонигоҳ: «Сен менинг қўшигимсан». 23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканал

7.30 «Талкин». Информацион-тахлиллий курсатув. 8.00 «Бодрое утро». 9.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа. 9.30 «Хозяйка судьбы». Сериал. 10.10-12.00 Теннис. «Тошкент Ореп» турнири. 17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 «Хабарлар». 18.20 Теннис. «Тошкент Ореп» турнири кундалиги. 18.40 «Спорт клуб». 18.50 «Жди меня». 20.00 «Хабарлар» (Рус тилида). 20.30 Мусликий дастур.

20.45 «Спортивиз маликалари». 21.00 Шахмат буйича жаҳон чемпионати кундалиги. 21.10 Юнон-рум кураши буйича халқаро турнир. 21.35 «Футбол плюс». 22.15 «Проф-ринг». 23.00 «Тунингиз осуда бўлин!»

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари 16.55 Открытие программы 17.00 Программа передач 17.05 Мультсериал 17.25 «Киноконцерт» 17.30 «Ўзбекистон буюклик бегиши», фильм 17.45 «Парламент соати» 18.00 «Жемчужина Дворца», сериал 19.00 «Ошикона», мусликий дастури 19.45, 22.00 «Теле Хамкор» 20.00, 22.15 «Мусликий табасум», музыкальная передача 21.00 «Кунгил кучалари». Сериал 22.40 «Морская пехота», фильм

ОРТ

4.00 Новости 4.05 «Первая программа» 5.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 Новости 8.05 Сериал «Остаться в живых» 9.50 Сериал «Агент национальной безопасности» 11.00 Новости 11.20 Фильм «Миссия невыполнима - 2» 13.30 «Русское счастье». Док. фильм 14.00 Новости (с субтитрами) 14.10 «Лолита. Без комплексов» 15.00 Сериал «Хозяйка судьбы» 16.00 «Федеральный судья» 17.00 Вечерние новости (с субтитрами) 17.10 «Кривое зеркало» 17.40 «Адьютанты любви». Сериал 18.50 Жди меня 20.00 Время 20.30 «Убойная сила». Сериал

21.30 Спецрасследование. «Дачный бунт» 22.40 Ночные новости 23.00 «Адьютанты любви». Сериал 0.10 Триллер «Деревня проклятых» 1.40, 2.05 Комедия «Юнга» 2.00 Новости 3.00 «Нью-Йорк. Потерянные души»: Док. фильм

РТР

4:00 «Доброе утро, Россия!» 7:45 Комедия «Когда наступает сентябрь». 9:20 «Армен Джигарханян. Здравствуй, это я!». 10:00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ. 10:30, 13.10, 15.40, 19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ ВЕСТИ-МОСКВА. 10:50 Детектив «Марш Турецкого. Опасное хобби». 11:45 «Частная жизнь». 12:45, 15.30, 23.15, 3.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ. 13:30 Комедия «Четыре таксиста и собака». 16:15 «Смехопанорама Евгения Петросяна». 16:45 «Обреченная стать звездой». Сериал. 17:45 «Черная богиня». Сериал. 18:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ. 19:50 «Спокойной ночи, малыши!». 20:00 Сериал «Каменская-4. Двойник». 20:55 Сериал «Атаман». 22:00 «ВЕСТИ+». 22:20 «Дежурный по стране». 23:30 «Честный детектив». 0:00 «Синемания». 0:30 «Дорожный патруль». 0:45 Фильм «Безумная любовь». 2:30 Канал «Евроңьюс».

НТВ

5:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ» 8:15 «ВОПРОС... ЕЩЕ ВОПРОС» 9:00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 23.00 «СЕГОДНЯ» 9:25 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ» 9:55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК» 10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»

13.05 Полицейские хроники. 13.35 Сериал «СТРОГО НА ЮГ». 14.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР». 15.30, 16.00 Мультфильмы. 16.30 Игровое шоу «Деньги с неба». 16.40, 22.00 Док. сериал «Опергруппа, на выезд!» 17.25 «Как уходили кумиры». Василий Шукшин. 17.50 Фильм «ПО УЛИЦЕ КОМОД ВОДИЛИ». 19.30 Хит-парад авантюра «Осторожно, афер!» 20.00 «Самое смешное видео». 20.30 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...». 20.55 Сериал «ПРОТИВ ТЕЧЕНИЯ». 22.40 «Агентство криминальных новостей». 23.00 Фильм «РАНЧО НАДЕЖДЫ». 1.10 Автоновости «Карданный вал +». 1.30 Эротическая программа «Фантазии». 2.05 Шоу Джерри Спрингера.

СТС

- 16.05 «Алишер Навоий». Бадийий-публицистик фильм. 1-қисм.
- 16.35 ТВ-анонс.
- 16.40 «Алишер Навоий». Бадийий-публицистик фильм. 2-қисм.
- «Болалар сайёраси»:
- 17.10 «Олтин тоғ».
- 17.45 ТВ-анонс.
- 17.50 «Олтин мерос».
- 18.00 «Минг бир ривоят».
- 18.05 ТВ-анонс.
- 18.10 «Боболар мазори». Шеъррий композиция.
- 18.20 «Шахсий фикр».
- 18.50 «Одами эрсанг...»
- 19.15 «Оқшом наволари».
- 19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
- 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
- 20.05 «Оҳанрабо», 1-қисм.
- 20.55 «Минг бир ривоят».
- 21.00 «Тахлилнома».
- 21.40 «Оҳанрабо», 2-қисм.
- 22.25 «Ҳаёт давом этади».
- 22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
- 22.55 «Ўзбекистон» телеканалда премьераси: «Дока рўмолнинг қуриши». Бадийий фильм. 2-қисм.

«Ёшлар» телеканал

- 6.55 Кўрсатувлар дастури.
- 7.00 Давр.
- 7.30 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
- 8.30 «Ҳозир турналар». Мультфильм.
- 8.50 Мафтунингман, диёрим!
- 8.55 Иқлим.
- 9.00 Давр.
- 9.10, 11.20, 19.30 ТВ -анонс.
- 9.15 Кулгуч.
- 9.25 «Алломиш». Мультфильм.
- 10.25 Саломатлик сирлари.
- 10.45 Қўшиқнинг туғилиши. Севара Назархон.
- 11.25 «Очил дастурхон» хангомалари.
- 11.45 «Махобҳорат». Телесериал.
- 12.35 «Кино SMS» танлови.
- 12.40 «Тоҳир ва Вухра». Бадийий фильм.
- 14.10 Азизим.
- 14.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Биби Убайда».
- 15.00 Давр-спорт.
- 15.20 Кинотақдим.
- 15.40 Ринг қироллари.
- 16.30 Чемпион сирлари.
- 16.50 Кўрсатувлар дастури.
- 16.55 Меҳмонхона.
- 17.15 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Махобҳорат». Телесериал.
- 18.00 «Янги авлод» студияси: Уй вазиғаси.
- 18.20 «Қадимги мавжудотлар». Илмий-оммабол фильм. 5-қисм.
- 18.50 Мафтунингман, диёрим!
- 18.55, 21.55 Иқлим.
- 19.00 «Давр» ҳафта ичида.
- 19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
- 19.40 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
- 20.35 Муомтоз наволар.

20.45 «Кино SMS» танлови. 20.50, 21.30 Эълонлар. 20.55 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.

«Тошкент» телеканал

- «Тошкент» телеканал
- Ижодкорлари
- 8.00-13.00 гача деб номланган кўнгираклар
- Информацион мусикий кўрсатувлар дастури эфирга узатилади.
- 18.20 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.30 «Божонлар экранни».
- 18.50 «Экспресс» телегазетаси.
- 19.10 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
- 19.40 «Дилдан куйлаб, ўйна, қувна».
- 20.00 «Пойтахт плюс».
- 20.20 «Нима учун?»
- 21.00 «Экспресс» телегазетаси.
- 21.20 «Туризм ҳақида».
- 21.50 Кинонигоҳ: «Ошқора қотиллик тарихи».
- 23.30, 23.35 Хайрли тун. шахрим!

«Sport» телеканал

- 7.30 «Хабарлар».
- 7.50 «Бодрое утро».
- 8.40 «Хабарлар» (Рус тилида)
- 9.10 «Непутевые заметки».
- 9.30 «Пока все дома».
- 10.20 «Кувнок стартлар».
- 11.00 «Рақибнинг гроссмейстер».
- 11.20-12.20 Жаҳон спорти: Снукер. 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 «Талкин». Информацион-тахлили кўрсатув.
- 18.30 «Болалар спорти».
- 18.45 «Проф-РИНГ».
- 19.35 «Тайм-аут».
- 20.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
- 20.30 Шахмат бўйича жа-

ҳон чемпионати кундалиги. 20.40 Теннис. «Тошкент Ореп» турнири.

30-й канал

- 9.00 Открытие программы 9.05, 11.00, 16.45, 19.00 «Телехамкор»
- 9.20 «Детский час»
- 9.40 Док. фильм 10.15 «Юлдузлар табриги», мусикий дастури 11.15 Док. сериал на узбекском языке 12.00 В поисках золотого города», приложения 13.30 «Хит-парад - плюс», повтор передачи 14.30 «Шоу-бизнес янгиликлари», информацион дастур 14.50 «Болалар соати» 15.30 «Аёллар орзуси», познавательная передача 16.00 Мультсериал 17.00 Программа передач 17.05 «Мультфильм» 17.25 Анонсы 17.30 «Япониянинг ёввой табияти» 18.00 «Зангиота», хужжатли фильм 18.30 «Дибрбек Махкамов», концерти 19.15 «Ошикона», мусикий дастури 20.00 Мультфильмы 20.20 «Мусикий табасум» 21.00 «Уйда Ёлғиз», бадийий фильм

ОРТ

- 4.40, 5.10 «Принцесса Лебедь. Тайна замка»
- 5.00 Новости
- 6.00 Комедия «Гость с Кубани».
- 7.20 «Армейский магазин»
- 7.50 Дисней-клуб 8.20 «Умницы и умники» 9.00 Новости 9.10 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым 9.30 Пока все дома 10.20 «Веселые картинки» 11.00 Новости (с субтитрами)
- 11.10 Живой мир. «Путе-

шствие жизни» 12.10 Комедия «Не может быть!»

РТР

- 5:00 «Доброе утро, Россия!»
- 6:20 «Сельский час».
- 6:45 Евросийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
- 7:00, 10.00, 13.00, 16.00 ВЕСТИ.
- 7:10, 10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 7:20 «Диалоги о животных».
- 7:55 Мультфильмы.
- 8:20 Фильм «Песни моря».
- 10:20 «Городок».
- 10:55 «Сам себе режиссер».
- 11:45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
- 12:15 «Парламентский час».
- 13:20 «Фитиль № 58».
- 14:05, 16.10 Фильм «Гангстеры в океане».
- 17:05 «Смеяться разрешается».
- 19:00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
- 20:00 «Специальный корреспондент».
- 20:25 Фильм «Жизнь одна».
- 22:35 Триллер «Клетка».
- 0:40 Чемпионат мира по автогонкам.
- 1:40 «Горячая десятка».
- 2:40 Сериал «Семь дней».
- 3:30 Канал «Еврьюнс».

НТВ

4:50 Сериал «ПО МОТИВАМ РАССКАЗОВ ВАСИЛИЯ ШУКШИНА» 6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА» 7:00, 9.00, 12.00, 15.00 «СЕГОДНЯ» 7:15 Сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА» 7:45 «ИХ НРАВЫ» 8:25 «ЕДИМ ДОМА!» 9:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ» 9:40 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ. 10:20 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ» 11:10 «ЦЕНА УДАЧИ» 12:20 «ЗВЕЗДНЫЙ БУЛЬВАР» 12:55 Фильм «ТРАНСИБИРСКИЙ ЭКСПРЕСС» 15:15 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ» 15:55 «СВОЯ ИГРА» 16:50 Сериал «МАРШ ТУРЕЦКОГО» 18:00 «СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА» 18:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ» 19:25 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ» 19:50 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ» 21:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ» 22:20 Фильм «ТЕМНАЯ НОЧЬ» 0:35 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ» 1:15 Фильм «БАРРИ ЛИНДОН»

ТВ 3

- 7.30 Жизнь, полная радости.
- 8.00, 8.15, 8.30, 9.00, 9.30 Мультфильмы.
- 10.00 Фильм «ВПЕРЕД В ПРОШЛОЕ».
- 11.50 Фильм «КУБАНСКИЕ КАЗАКИ».
- 14.00, 19.30 «Осторожно, модерна!».
- 15.00 Фильм «БИТВА ЗА БУДУЩЕЕ».
- 17.00 Фильм «ПОДВОДНИКИ».
- 19.00 «Hollywood On-Set».
- 20.00 Фильм «ЗАПОМНИ-

ТЕ, МЕНЯ ЗОВУТ РОГОЗИН!».

ДТВ

8.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».

ТНТ

- 6.00, 6.20 Мультсериалы.
- 7.10 «МОЙ ГЕРОЙ». Комедия.
- 7.40 «Каламбур».
- 8.05 «Маски-шоу».
- 8.35 «Фигли-Мигли».
- 9.00 «ЗАВЕДИ СЕБЕ МУЖЧИНУ». Комедия.
- 11.00 Мультфильм.
- 11.15 «Маски-шоу».
- 11.50 «Сейлормун». Сериал.
- 12.30 «Школа ремонта».
- 13.30 «Каламбур».
- 14.00, 19.00, 23.00 «Голд».
- 15.00, 20.00, 22.00 «Дом-2. Это любовь!»
- 16.00, 16.30 «САША + МАША».
- 17.00 «Школа ремонта».
- 18.00 «Фигли-Мигли».
- 18.30 «Москва: инструкция по применению».
- 21.00 «Кандидат».
- 22.30 «Секс» с Анфисой

Чеховой. 23.30 «Запретная зона».

СТС

- 7.00 «АТАКА НА «КОРОЛЕВУ». Фильм.
- 8.30, 8.50, 9.20, 9.30, 10.30 Мультфильмы.
- 10.00 «Улицы Сезам».
- 11.00 Кино «ОХ УЖ ЭТИ ДЕТКИ!».
- 13.00 «Жизнь прекрасна».
- 15.00 «Снимите это немедленно».
- 16.00 Комедия «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»
- 17.00 Истории в деталях.
- 17.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»
- 18.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СУСКА-4»
- 22.00 Кино «ЗАМОРОЖЕННЫЙ КАЛИФОРНИЕЦ».
- 0.00 «Осторожно, Задов! Или похождения прапорщика».
- 1.00 Кино «ВНЕ ЗАКОНА».
- 3.15 Кино «МАГИЯ».
- 5.00 Кино «ЭРИ ХИГГИНС КЛАК. ТАЙНЫ И ПРЕСТУПЛЕНИЯ».

7 ТВ

- 6.00 Линия жизни. 6.30, 0.30 Покер. 7.30 А

“Дин ҳеч қачон одамзодни ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади”.

Ислом **КАРИМОВ.**

Хурматли газетхонлар! Муборак Рамазон ойи бошланиши арафасида тахририятимизга Тошкент шаҳридаги Катта қозиработ жоме масжиди имом-хатиби Қосимхोजи Қобил ўғлини таклиф этдик. Қуйида эътиборингизга у киши билан бўлган суҳбатни ҳавола этяпмиз.

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳу субҳоноҳу ва таолога беадад шукрлар бўлсинким, юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор бўлиб турибди. Бу жуда улугъ неъматни бизга ато этган экан, исломнинг фарзларини эмин-эркин, бемалол адо этиш шарафига муяссар бўляпмиз. Сўзимнинг аввалида тинчлик-осойишталикни сақлаш йўлида хизмат қилаётган ва Аллоҳдан улугъ савоблар олаётган ички ишлар ходимларига соғлиқ-саломатлик, тилайман, қалбларидан иймон, эътиқод аримасин.

— Қори ака, кейинги пайтларда жойларда диний-экстремистик ҳаракатлар рўй бериб, уни амалга оширганларни раҳнаомлари шаҳидлар деб даъво қилиш-япти. Шаҳидлар ҳақида тушунча берсангиз.

— Ҳар бир мўъмин мусулмон учун муқаддас динимизнинг фарз амалларини бажариб, Аллоҳи таоло олдида юзи ёруғ бўлиб юришнинг ўзи катта шараф. Ана шу шарафга муяссар бўлишимизнинг асоси, аввало, Яратган бизга ато этган тинчлик ва осойишталикдир. Беадад шукрлар бўлсинким, хонадонларимизда тўй-тантана, хурсандчилик, юртдошларимиз тинч меҳнат қилишяпти, фарзандларимиз билим оляпти, кексаларимиз роҳатда. Буларнинг барчаси улугъ неъмат — тинчлик ва осойишталик туфайли. Хавф-хатарга қарши курашаётган, зарур ҳолатда жонини ҳам аямаётган ўғлонларимиз бор. Уларни шаҳидлар қаторига қўшса арзийди. Чунки ортида турган Ватани, ота-онаси,

аҳли аёли, фарзандлари, қолаверса, посбон даражасига етишида хизмат қилганлар турибди. Посбонлар уларнинг ҳаётини сақлаш, тинчлигини бузилмаслиги учун жонини фидо қилди.

Диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб

фарз амалларни бажариши лозим бўлади. Биринчиси “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур-расуллоҳ” калимасини чин дилдан айтиш ва унга ишониш. Иккинчиси — беш вақт намоз, учинчиси — закот, яъни молий ибодат, тўртинчиси — рамазон ойида рўза тутмоқлик, бешинчиси — ҳаж амали. Молу дунёсидан закот бериш, ҳаж амалини бажариш учун ўзига тўқ, бадавлат бўлиш зарур ва



ми, истамаймизми — овқатланиш жараёнида қон таркибида холестерин моддаси йиғила бошларкан. Рўза тутиб, оч юрганда эса қондаги хужайралар озикланиш учун холестеринни

турибди. Бу хизматлар учун ажри савоблар ёзади, албатта. Бироқ, ибодат қилиб туриш фарз эканлигини унутмаслик керак. Бандамиз, беайб Парвардигор, озми-кўпми, билиб-билмай

гуноҳ қилиб қўямиз.

Ундан форигъ бўлиш учун Аллоҳни тилга олиб, фарз амаллари иложи борича бажариб юрилса, биринчидан қалб тоза бўлади, иккинчидан хизмат самарасини Яратган кўпайтиради.

Мустақиллик шарофати билан

фуқароларимиз ўзлари хоҳлаган динга эътиқод қилиб, унинг амалларини эмин-эркин бажариш имкониятига эга бўлдилар. Ислом дини амалларини қандай адо этиш ҳақида китоблар етарлича бор.

— Моҳи рамазон эшик қоқяпти, бу улугъ кунлар арафасида газетхонларга тилакларингиз.

— Аллоҳи субҳоноҳу таоло ўзи яратган ўн саккиз минг оламнинг кўриқчисидир. Посбонларни эса сабабчи қилиб қўйган. Бандаларнинг тинчлиги, хотиржамлигини таъминлаётган ички ишлар ходимларининг хизматига улугъ савоблар ёзилади, албатта. Бу машаққатли хизматни бажарганларнинг хонадонлари тинч, хотиржам, рўзгорлари баракали бўлсин. Муборак рамазон ойида барча газетхонларга рўза тутмоқлик, Аллоҳи таолонинг ажри савобларига, марҳаматига муяссар бўлиш насиб этсин.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Садриддин **ШАМСИДДИНОВ**
суҳбатлашди.

ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШ УЛУГЪ САВОБ ИШ

қолган, алдовларга учиб, катта пул эвазига белига портловчи моддаларни боғлаб олиб жамоат жойларида, транспорт воситаларида ўзини қурбон қилаётганларни шаҳидлар деб бўлмайди, албатта. Аллоҳи таоло ўз жонига қасд қилганларни лаънатлайди.

Уларга жаноза ҳам ўқилмайди, тўнғиз қавмида кетади. Ўзларини шаҳид бўлаяпман, дегувчилар Аллоҳ олдида ўзи учун, яна бегуноҳ кишиларнинг қони учун ҳам жавоб беради.

— Ислом ақидаларини бажариш афзалликлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ҳар бир мўъмин мусулмонни яратган Аллоҳи таоло уни ўз бандалари қаторига қўшар экан, ўзи учун ибодат қилишига имкон ҳам беради. Бандаси қаерда бўлмасин Аллоҳ деса, лаббай дея жавоб беради. Яратганнинг шарафига муяссар бўлишни истаган ҳар бир мусулмон исломнинг беш асосини билиши ва уларнинг фазилатларини чуқур англаб,

фақат ҳалол топилган мол-дунё ҳисобига адо этилади. Оиласини тебратишдан орттира олмайдиган, касалманд кишилар ҳаж амалини бажаролмадим, деб азият чекмасдан, ҳар ҳафтада жума намозини жамоат билан мажсидда адо этиб юрсалар, Аллоҳ ҳаж савоби даражасини беради. Намоз ўқиш шохми, гадоми, соғломми, касалмандми, барчага баробар фарз қилинган. Туриб ўқишга имкони бўлмаса ўтириб ўқиш, унга ҳам саломатлиги тўғри келмаса ётиб ўқиш ҳам мумкин. Намоз ўқиган киши Аллоҳ билан юзлашади.

Келгуси ҳафтада бутун мусулмон оламида Рамазон ойи бошланади. Ушбу муборак ойда рўза тутиш ҳар биримиз учун фарз. Бу ибодатнинг афзалликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими, бир томондан танамиз ҳар хил зарарли моддалардан тозаланса, иккинчи томондан руҳий озик оламиз. Тиббиёт нуқтаи назаридан олсак, истаймиз-

парчалайди. Бу дегани қон тозаланади, юрак фаолияти яхшиланади. Юраги бақувват, қони тоза киши соғлом бўлади. Соғ танда соғ ақл, деб бежиз айтилмайди.

— Ички ишлар ходимлари хизмат жараёнида ислом дини амалларини тўлиқ бажариш имконини тополмайдилар...

— Саволингизни тушундим. Аллоҳи таоло инсонларга тил, ақл, идрок берган. Яратган фақат инсонга тил бердим, бу бандам номимни зикр қилиб юрсин, деган. Бошқа маҳлуқотлар гапиrolмайди. Биз инсонларни азиз тутиб тиллашиш, сўзлашиш имконини берган Аллоҳнинг муборак номларини баралла айта олишимиз учун ҳам унга ибодат қилишимиз керак.

Ички ишлар ходимларининг хизматини яхши биламиз. Гоҳида ҳафталаб уйларига боришмайди. Тинчлик, осойишталикни сақлаш борасидаги хизматнинг машаққатини Аллоҳнинг ўзи кўриб, билиб

БОЙЛИГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Наманган вилоятининг кўшни Қирғизистон Республикасига чегарадош ҳудудларида ички ишлар ходимлари томонидан ташкил этилган жамоатчилик назорати масканлари фаолияти кучайтирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишдир.

Халқимизда ўзинга эҳтиёт бўл, кўшинингни ўғри тутма, деган нақл бор. Бу пурҳикмат ибора замирида ўз уйингни ўзинг асра, моддий бойликларингга кўз-қулоқ бўл, деган маъно бор. Шундан келиб чиқиб, асосий эътибор чегара ҳудудларига қаратилмоқда.

Чуст тумани Қирғизистоннинг Олабуқа тумани билан чегарадош. Чегара ҳудудларида 30 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу жойларда ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари ҳамда чегарачилар туну кун ҳушёр туришибди.

Вилоятимизда йиғим-терим мавсуми кун сайин қизгин тус оляпти. Пахтакорларимиз етиштирган ҳосилини давлат омборларига беэиён етказилишида ички ишлар ходимларининг ҳиссаси катта бўляпти. Бу сай-ҳаракатлар содир этилиши мумкин бўлган ўғирликларнинг олдини оляпти.

Норин тумани кўшни давлатларга чегарадош эмас. Лекин баъзи қишлоқлардаги йўллар Учқўрғон орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб чиқади. Ўтган йилги мавсумда пахта билан боғлиқ ўғирлик содир этилган бўлиб, айбдорлар қонун асосида жазоланган эди. Бу йил ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Аҳоли яшаш жойлари ва пахтазорлар яқинида доимий назорат йўлга қўйилди.

Бу йил далаларимизда ҳар қачонгидан мўл ҳосил яратилди. Энди уни нест-нобуд қилмай териб олиш, эгри қўллардан асрашимиз лозим. Ички ишлар ходимлари олиб бораётган профилактик тадбирларга қарамай, айрим ҳудудларда миллий бойлигимизни талон-торож қилиш, уни четга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Уйчи туманида икки нафар пахта ўғриси қўлга тушди. “Бирлашган” қишлоғида яшовчи, вақтинча ишсиз Илѐс Ор-

тиқов тенгқури Баҳодир Турғунов билан жиноий тил бириктириб, “Бирлашган” ширкат хўжалиги пулратчиси, ўз акаси Икромжон Ортиқовга қарашли пахта майдонидан пахта териб, уни Қирғизистонга олиб ўтиб, сотиш учун яшириб қўяётган вақтда чегара посбонлари томонидан ушланди. Улар 38 минг 380 сўмлик давлат мулкани ноқонуний йўл билан талон-торож қилишга уринишган.

Сайёр судда қатнашган вилоят ҳоқими И. Нажмидинов кейинги пайтда тез-тез содир этилаётган бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга муносабат билдириб, деҳқонлар не машаққатлар билан етиштирган пахтани чет давлатларга сотишга уринган одамни ўз Ватанини сотишга мойиллиги бор хиёнаткор дейиш мумкин, дея баҳолади. Жойларда, айниқса, вилоятимизнинг чегарадош туманларида пахта ўғирлигининг олдини олиш бўйича ташиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Суд И. Ортиқов ва Б. Турғуновлар иши юзасидан тўпланган тергов материалларини ҳар томонлама ўрганиб, тегишли жазо тайинлади.

Айбдорлар қилмишларига яраша жазоланишди. Ушбу далил ҳалол меҳнат эвазига етиштирилган пахта нопок йўл билан ўзлаштирилса буюрмаслиги, оқ нарсага гараз муносабатда бўлиш юзи қораликка олиб келишини кўрсатди. Бу бошқаларга сабоқ бўлиши керак.

Олимжон ДОЛИМОВ,
Наманган вилояти ИИБ
бошлиғи ўринбосари,
полковник.

Тинчлик — улугъ неъмат. Уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, фуқароларнинг осойишта ва хотиржам ҳаёт кечиршини таъминлашда милиция таянч пунктлари ва маҳалла посбонларининг ўрни муҳимдир. Улар бу вазифани намунали адо этиш учун халқ билан ҳамнафас яшашлари ва ишлашлари, одамларнинг ўй-ташвишларидан хабардор бўлишлари, маҳаллада ким жиноят қилишга мойил, қайси оила нотинч, қай бир боланинг тарбияси эътибордан четда қолаётганига бефарқ қарамасликлари лозим.

Маҳаллаларда жойлашган милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари ва уларга бириктирилган маҳалла посбонлари ўз вазифаларини қандай бажаришмоқда? Юқоридаги масалалар уларнинг эътиборидами?

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Наманган шаҳридаги “Умид” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 69-милиция таянч пунктига ташриф буюрдик. Масканга кириб борганимизда профилактика инспекторлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва посбонларнинг суҳбатни устидан чиқдик.

Шу ҳудудда жойлашган 5-марказий милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Шухратжон Мукаррамов ҳамда “Умид” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анваржон Маҳмудовларни суҳбатга тортдик.

— 69-милиция таянч пунктига профилактика инспекторлари, катта лейтенант Улугбек Файзуллаев, лейтенант Баҳодир Усмоновлар бириктирилган, — дейди Ш. Мукаррамов. — Бундан ташқари, халқ осойишталигини сақлашда саккиз нафар посбон ва посбонлар сардори хизмат қилишмоқда. Ҳар дақиқа сергак ва ҳушёр туривчи, ўзларига билдирилган ишончни тўла оқлаётган забардаст йигитларимиз бор экан, кўнглимиз тўқ, маҳалламиз осойишта.

Бу ҳудудда 12 миллат вакилларидан иборат тўрт мингдан зиёд аҳоли яшар экан. Уларнинг ўзаро аҳил-иноклигини таъминлаш, асосийси, ҳудудда осойишталикни сақ-

Уларнинг ишларидан ҳамма мамнун. Барака топишсин, — дейди уй бекаси Мамлакатхон Қаҳқорова.

Маҳалла оқсоқоли милиция таянч пункти билан ҳамкорликда бажарилаётган ишларга тўхталиб, ҳудудда ноқонуний тарзда яшаётган фуқароларни аниқлаш бўйича “Тозалаш” тадбири ўтказилаётганини таъкидлади. Натжидада 20 га яқин ана шундай фуқаро аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, тўрт нафар енгил табиатли аёл бир неча марта огоҳлантирилишга қарамай, хулқини тузатмаганлиги боис ички ишлар бўлими ёрдами билан маҳалладан кўчириб юборилган.

— Асосийси, — дея гапга қўшилди. А. Маҳмудов, — жазо муддатини ўтаб қайтганларга алоҳида эътибор қаратилляпти. Ана шундай шахсларнинг 3 нафари ишга жойлаштирилди, уйсиз икки нафар киши ётоқхона билан таъминланди. Уларга доимий моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Маҳаллага кириб келаётган ҳар қандай кишини назардан четда қолдирмайдиган посбонларнинг фаолиятига профилактика инспектори Улугбек Файзуллаев

бир сўз билан: “Улар бизнинг қўл-оғимиз”, дея таъриф берганди. Бир кунлик фаолият давомида биз ҳам бу эътироф қанчалар ҳақлигига амин бўлдик.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС



— Посбонларимиз ғоят маданиятли. Барчага ҳурмат билан муносабатда бўлишади. Ўз вазифаларига солиқ, Шу боис, маҳалла аҳлининг ишончи, ҳурматига сазовор бўлишган.

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Туманимиздаги турар жойлар, корхона, ташкилот ва ширкатларда ёнғиннинг олдини олиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган текширишлар бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган тўрт юздан ортиқ раҳбарлар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан бир миллион сўмга яқин жазима ундирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, содир бўлаётган ёнғинларнинг асосий қисмига фуқаролар, ташкилотлар мутасаддиларининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари ҳамда бепарволиклари сабаб бўлмоқда. Шу боис, газ, электр тармоқлари ходимлари билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз.

Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги тизимида кечаётган ўзгаришлар ту-

файли ходимлар малакасини ошириш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Тумандаги касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини яхшилаш ва жанговар тайёргарлигини ошириб бориш борасида амалий ва ташкилий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёнғин кўп содир бўлаётган Тепакўрғон, Тошбулоқ шаҳарчалари, Гирвон, Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатилди. Тумандаги қурилаётган янги иншоотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган масканларнинг қурилиш даврида меъёр ва қоидаларга риоя этилиши назорат қилиб бориляпти.

Р. ТУРГУНОВ,
Наманган тумани ИИБ ЕХБ
инспектори, капитан.

Суратда: ЕХБ ходими
Р. Абдуллаев ўқувчилар билан.

ҲОВЛИГА КЎМИЛГАН МИЛТИҚ

Маҳкам дарвозаси олдида ички ишлар ходимларини кўриб, кўнгли бир нохушликни сезгандай бўлди.

— Келинлар, тинчликми? — зўрға сўради ранги оқариб.

— Уйингизда ўқотар қурол яширилганлиги ҳақида маълумот келиб тушди. Шунинг текшириб кўришимиз керак.

Хонадон соҳибининг устидан муздек сув куйилгандек бўлди. Уларга қандай жавоб беришни билмай, бир муддат тек қотиб қолди. “Ким чақди экан? Ҳеч бир кўни-қўшни, қариндош-уруғ билан келишмовчиликим йўқ эди-ку!”. Шундай ўй-хаёллар бошида ғўжгон уйнай бошлади.

— Милтиқ кўмилган жойни ўз хоҳишингиз билан кўрсатасизми? — сўрашди улар.

“Демак, буларга барчаси маълум. Энди яширишнинг ҳожати йўқ”. Шундай хулосага келган Маҳкам

нарироқда турган ўғлини ёнига чорлади.

— Бор, куракни олиб чиқ!

Холис гувоҳлар чақирилди. Боғ этаги кавланганда у ердан қопга ўралган, 1965 йилда Тула шаҳрида ишлаб чиқарилган, икки стволли, 16 калибмли “Тоз-16” русумли ов милтиғи ва бир қути кўрғошиндан ясалган питра чиқди.

Тегишли руҳеатнома-сиз, қонунга хилоф равишда сақланаётган топилма далилий ашё сифатида олиниб, экспертсизга жўнатилди.

Маълум бўлишича, ов милтиғи отиш учун тўла ярқоли экан. Судланувчи уйда милтиқ борлигини туман ИИБга ким хабар берганлигини кейинчалик тушуниб қолди. Чунки Маҳкамнинг жияни судда шундай кўргазма берди:

— Судланувчи тоғам бўлади. Бу қурол аввал мар-

хум бобомга тегишли эди. 1983 йилдан бери М. Сулаймонов ихтиёрида турибди. 2004 йил июнь ойида тоғамнинг ўғли Дилшод шу милтиқ билан ов қилиб юрганини кўрганман. Айни пайтда тоғам эгаллаб турган боғ ўртамизда талаш бўлиб, низо келтириб чиқармоқда. Боғ ихтиёримга ўтиб қолса, у бизга қарши бирор ёғузлик қилиб қўйишдан кўрқиб ИИБга хабар бердим.


Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, М. Сулаймоновни айбдор деб топди. Унинг аввал судланмагани, беш нафар фарзанди борлиги, қурол воситасида оғир оқибатлар келтириб чиқарилмаганлигини инобатга олиб, ахлоқ тузатиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ҳа, қурол сақлашнинг қонун-қоидаси бор. Унга амал қилмаслик ана шундай оқибатларни келтириб чиқаради.




Kichkintoylar uchun ajoyib sovg'a

O'zbekiston milliy axborot agentligida juda ko'plab tadbirlar va ularga bag'ishlangan matbuot anjumanlari o'tkaziladi. Ammo o'tgan haftada tashkil-lashtirilgan matbuot anjumani ishtirokchi-larning alohida e'tirofiga sazavor bo'ldi.



Hamma bizga ma'lum, farzandlarimizning bilimlarini oshirish uchun bir nechta nashrlar chop etiladi. Bular — boshlang'ich sinf o'quvchilariga mo'ljallangan "G'uncha" jurnali, yuqoriroq sinf o'quvcilari uchun "Gulxan" jurnali va "Tong yulduzi" gazetasi, o'smirlar sevib o'qiydigan "Yosh kuch" jurnali va nihoyat yoshlarning sevimli hamrohi bo'lgan "Yoshlik" jurnalidir. Ammo bir masala hamon ochiqligicha qolayotgandi. U ham bo'lsa, maktabgacha yoshdagi

farzandlarimiz — bog'cha tarbiyalanuvchilariga mo'ljallangan na bir jurnal va na bir gazeta bor edi. Kuni kecha bu masala ham o'z yechimini topdi, deb aytsak bo'ladi. O'tgan hafta O'zbekiston milliy axborot agentligida tashkil-lashtirilgan matbuot anjumani "Bekinmashoq" jurnali nishona sonining taqdimot marosimiga bag'ishlandi. Anjumanga tashrif buyurgan Xudoyberdi To'xtaboyev, Normurod Narzullayev, Anvar Obidjon kabi taniqli shoir va yozuvchilar jurnal ijodkorlarini xayrli ishga



qo'l urganliklari bilan samimiy muborakbod etdilar. Jurnalning ilk

soni ba'zi bir kamchiliklardan xoli bo'lmasa-da, kelgusida

jajji farzandlarimizning sevimli jurnaliga aylanib qolishiga ishonch

bildirildi. Shuningdek, turli tasvirlardagi, masalan, uycha, hayvonlar, daraxtlar ko'rinishidagi kichik ertak kitobchalar chop etishni yo'lga qo'yish vaqti kelganligi ham alohida ta'kidlab o'tildi.

Farzandlarimizni yangi jurnal bilan tabriklaymiz va ularning e'tiboriga ushbu jurnalda chop etilgan topshiriqlarning ayrimlarini havola etamiz.

O'z muxbirimiz. Suratlarda: taqdimot marosimidan lavhalar.


Abu KENJAEV olgan suratlardir.

TOPI SH MOQLAR


Gugurt qutidek kelar,
Uzoqni yaqin qilar.
Raqamni tushunganing chog',
Hatto bo'lar o'yinchoq.
(Uyali telefon)

Televizormas ekrani bor,
Ichi to'la qiziq o'yin.
Anglasang tugmalarin,
Zerikmasliging tayin.
(Kompyuter)

Aziz bolajoni! Mana bu mashinalarning tezligini hisobla. Ularning qaysi biri manzilga tezroq yetib boradi?




Mana bu gullarni yaproqlari sonining o'sishiga qarab joylashtir. Ularning barglarini qo'shganda necha son hosil bo'ladi?



TEZ AYTISHLAR

Sanobar Saodatning sumkasiga sagich solganini sir saqladi.

Behzod «Bekinmashoq»ning bag'riga berkingan bilimlarni bilvoldi.





ДИЛШОД — ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бутун юртимиз ҳақли равишда дунёнинг йирик спорт марказларидан бирига айланди. Мамлакатимиз теннис, бадий гимнастика, синхрон сузиш, футбол, бокс, каратэ, кикбоксинг, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши, самбо бўйича йирик халқаро турнирларга мезбонлик қилди.

Миллий курашимиз эса халқаро спорт турига айланди. Ёшларнинг бошланғич синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган қатламини ўзига қамраб олган, ҳали жаҳон тажрибасида кузатилмаган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз спорт тизими жорий этилди. Ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилиши, уларга спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Юртбошимиз Ислон Каримов мамлакатни бутун дунёга танитишда спортнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бугун ушбу пурмаъно сўзларнинг исботини кўряпмиз. Мустақиллик йилларида спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина, боксчилардан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткир Ҳайдаров, Артур Григорян, юнон-рум курашчиси Дилшод Орипов, Александр Доктуришвили, эркин кураш устаси Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, дзюдочи Абдулла

Тангриев жаҳон ва қитъа чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида голиб чиқди.

Будапешт шаҳридан яна бир хушxabар келди. Венгрия пойтахтида бошланган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Дилшод Мансуров жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз финалда Болгария вакили Радослав Великов билан куч синашди. Рақиб устидан зафар кучган Дилшод Мансуровга жаҳон чемпионатининг олтин медални топирилли ва унинг шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Дилшод Мансуровнинг ушбу ғалабаси икки йил муқаддам АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатини ёдга солди. Унгача терма жамоамиз аъзоларига эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медал олиш насиб этмаганди. АҚШдаги мусобақада Дилшод Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Артур Таймазов оғирлиги 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида жаҳон чемпиони бўлган эди.

Мана, орадан икки йил ўтгач, Дилшод чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Эркин кураш сир-асрорларини таниқли мураббий Маъмур Рўзиевдан ўрганаётган 22 ёшли полвонимиз ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати олтин медалларини қўлга киритган, Осиё ўйинлари ва кўплаб халқаро турнирларда голиб чиққан.

Ў.А.

Энг аввал Ўзбекистон мадҳияси янгради

Ўзбек ўғлонининг шонли ғалабаси хориж оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилмоқда. Жумладан Россиянинг "Труд" газетасида юқоридаги сарлавҳа остида мақола chop этилди. Эътиборингизга ушбу мақолани ҳавола этмоқдамиз.

Будапештда бошланган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Дилшод Мансуров, россиялик Алан Дудаев ва Махач Муртазалыевлар чемпионат қаҳрамонларига айландилар.

Курашчиларни бағрига олган спорт аренаси гумбазлари узра биринчи ғалаба мадҳияси 55 килограммгача вазн тоифасида чиққан Ўзбекистон ўғлони шаънига янгради. "Труд" 1998 йилдан бери, яъни Д. Мансуров Москвада бўлиб ўтган I Умумжаҳон ўсмирлар ўйинлари голиби бўлгандан буён у билан дўстона алоқа ўрнатган ва спортдаги ютуқларини доимо кузатиб боради. Унинг зафарли одимлари сайёрамизнинг ўсмир-ёшлар ўртасидаги биринчилигида голиблик шоҳсупасини эғялаш, 2003 йили эса Нью-Йоркда ўтган катталар ўртасидаги чемпионатда чемпионлик унвонига сазавор бўлиш билан боғламоқдалар.

Будапештда иккинчи олтин медални қўлга киритган Дилшод Мансуров ўзининг шахсий медаллар коллекциясида фақатгина олимпия олтин медални етишмаётганлигини ва унга Пекинда эришишни орзу қилаётганини билдирди. 60 ва 66 килограммгача бўлган вазнда голибликни қўлга киритган россиялик Дудаев ва Муртазалыевлар ҳам ўзларининг келгуси режаларини Хитой пойтахти билан боғламоқдалар.

«ПАХТАКОР» — ПЕШҚАДАМ

Ўзбекистон чемпионати олий лигаси 20-турнинг марказий учрашуви — "Пахтакор" ва "Насаф" ўртасидаги баҳсда пахтакорчилар уч очкони қўлга киритишди — 2:0.

Мазкур турнинг "Металлург" — "Машъал" учрашувида ўзбек футболининг ифтихори бўлган Миржалол Қосимовнинг икки голи эвазига "Машъал" рақиб устидан ғалаба қозонди.

"Шўртан" — "Нефтчи" ўртасидаги учрашув билан 20-тур ўйинларига яқун ясалди. Қолган ўйинлар натижалари билан танишинг: "Самарқанд-Д" — "Трактор" 0:1 "Бухоро" — "Сугдиёна" 1:0 "Тўпаланг" — "Қизилқум" 1:0 "Металлург" — "Машъал" 0:2

20-ТУРДАҲ СЎҢГ ТУРНИР ЖАДВАЛИ ҚУЙИДАГИЧА КЎРИНИШГА ЭҒА:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т/Н	О
1. "Пахтакор"	19	15	2	2	58:10	47
2. "Насаф"	20	14	2	4	38:22	44
3. "Машъал"	20	14	1	5	42:21	43
4. "Нефтчи"	20	10	0	10	34:25	30
5. "Навбахор"	20	9	2	9	25:22	29
6. "Локомотив"	20	9	2	9	34:32	29
7. "Тўпаланг"	20	9	2	9	29:36	29
8. "Қизилқум"	19	7	4	8	23:23	25
9. "Трактор"	20	8	1	11	33:40	25
10. "Бухоро"	20	8	1	11	31:44	25
11. "Самарқанд-Д"	20	7	3	10	20:24	24
12. "Металлург"	20	7	2	11	25:35	23
13. "Сугдиёна"	20	5	3	12	11:39	18
14. "Шўртан"	20	4	1	15	17:47	13

Шарқ яккакурашининг кикбоксинг, каратэ, таэквон-до каби турлари кўпчиликка маълум. Аммо, кикбоксинг-каратэ-дони юртдошларимиз яхши билишмаса керак. Бу ҳақда батафсил тушунча олиш мақсадида ички ишлар идораларида ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган, республика "Ояма кикбоксинг-кан" ташкилоти президенти, 3-Дан қора белбоғ соҳиби, Халқаро тоифадаги спорт устаси, истеъфодаги майор Ўктамжон Муратов билан суҳбатлашдик.



— Ўктамжон ака, аввало, кикбоксинг-каратэ-донинг тарихига қисқача тўхталсангиз.

— Унинг асосчиси япониялик Ояма Масутаодир. У ўтган асрнинг 50-60 йилларида ушбу жанговар санъатни ривожлантириб, антиқа усуллари билан одамларни ўзига жалб қила олган. Ўша кезлари маҳорат бобида унга тенг келадиган инсон топилмас эди. Бир кунда 100 киши билан курашиб, барчасини маълумиятга учратган. Шундан сўнг европаликлар бу жанговар санъатга қойил қолиб, унга "илоҳий мушт" лақабини беришган. Ояма Масутацу жаҳон бўйича ягона халқаро мумтоз спорт устаси, 10-Дан қора белбоғ соҳиби ҳисобланади.

— Каратэнинг мазкур турига, умуман, спортга қизиқишингиз қачондан бошланган?

— Оилада тўрт ўғил эдик. Отам бизни кураш тушириб турардилар. Бу эса спортга меҳр қўйишимга сабаб бўлганлар. Мактабни битирганимдан бери спорт билан мунтазам шугулланиб келаман.

— Кикушинкай-каратэ-до қўл жангининг бошқа турларидан қандай фарқланади?

— Кикушинкай кескин жанг тури ҳисобланади. Олишув чоғида қўлларга ҳеч қандай ҳимоя воситаси қийилмайди. Яна бир томони, жисмоний ривожланиш қаторида

ҲАМЮРТИМИЗ КИКУШИНКАЙ-КАН УСТАСИ

руҳий баркамоллик ҳам муҳим ўрин тутди. Бу эса ҳар бир зарбага чўчимай жавоб қайтаришни таъминлайди. Ҳозирда кикбоксинг-каратэ-до билан дунёдаги 130 давлатда 20 миллиондан ортиқ одам шугулланади.

— Ички ишлар тизимида хизмат қилган пайтингизда кикбоксинг-каратэ-дони соҳа ходимларига ҳам ўргатганмисиз?

— Мен 1993 йилдан ИИБ Академиясида фуқаролик ҳуқуқи кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишладим. Маълум вақт ўтгач, республика Ички ишлар вазирлиги махсус милиция бўлимида тезкор вакил лавозимида хизмат қилдим. Ўтган вақт мобайнида ички ишлар ходимлари орасида мазкур спорт тури бўйича кўплаб шоғирлар етиштирганман. Бугунги кунда ўйлайманки, улар олган билим ва кўникмаларини ўз фаолиятларида самарали қўллашяпти. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар ходимларидан мунай жисмоний тайёргарлик талаб этилади. Агар улар спортнинг ушбу тури билан шугулланган бўлишса, албатта асқотиши табиий. Қолаверса, бу соғлиқни мустақкамлайди.

— Ҳозирда сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг режалари қандай?

— Айни пайтда ташкилотимизнинг 2000 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар орасида халқаро мусобақаларди яхши натижаларни қайд этганлари талайгина. Октябрь-ноябрь ойларида ўтадиган очик Ўрта осие биринчилиги, кейинроқ Техронда уюштирилаётган очик Осиё чемпионатларида аъло натижаларга эришиш ниятидамиз. Эндиги вазифа спортнинг ушбу турини янада оммалаштириш, ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдир. Улар нуфузли чемпионатларда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилиб, юртимиз довруғини дунёга ёйишларига ишонаман.

— Ҳозирда сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг режалари қандай?

— Айни пайтда ташкилотимизнинг 2000 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар орасида халқаро мусобақаларди яхши натижаларни қайд этганлари талайгина. Октябрь-ноябрь ойларида ўтадиган очик Ўрта осие биринчилиги, кейинроқ Техронда уюштирилаётган очик Осиё чемпионатларида аъло натижаларга эришиш ниятидамиз. Эндиги вазифа спортнинг ушбу турини янада оммалаштириш, ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдир. Улар нуфузли чемпионатларда шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилиб, юртимиз довруғини дунёга ёйишларига ишонаман.

Суҳбатдош: Азизжон ФАЙЗИЕВ.



Ў. Муратов россиялик устози В.Пукас (6-Дан соҳиби) билан.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Қодирқул БОБОҚУЛОВни кутлуг 60 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Устозимиз, сафдошимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, яна кўп йиллар шоғирдлари, сафдошлари ва фарзандлари бахтига даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраб қоламиз.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

Бухоро вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ бўлинма бошлиғи, подполковник Бахшилло НАРЗИЕВни 50 ёшга тўлгани билан самимий кутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустақкам саломатлик, оилавий бахт ҳамда хотиржамлик, машаққатли хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Миробод тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Абдумажид МУЛЛАЖОНОВни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Туман ИИБ шахсий таркиби.

БИР КУЛИШАЙЛИК

— Шу кунларда итим жуда ялқов бўлиб қолибди.

— Нега ундай деяпсан?
— Илгари сайр этмоқчи бўлса, занжирини олиб келарди, энди машинанинг калитини олиб келаяпти.

— Баракалла, ўғлим, йиғини бас қилибсан.

— Бас қилмадим, дам олаяпман, холос. Хозир яна бошлайман.

— Ота, сизниям онангиз ҳеч урганми?
— Йўқ, мениям фақат сенинг онанг уриб туради.

Аёл:
— Ойижон, кувингиз билан жанжаллашиб, эшикни тарс ёпиб ташқари чиққанимда “пақ” этган овоз эшитилди. Ўзларини отиб қўймадилармикан, ишқилиб.

Кампир:
— Хавотир олма, у ҳойнаҳой, шампан виносини очган бўлса керак.

Тошматвой уйига совға кўтариб келди. Онаси кўзларига ишонмай сўради:

— Нечук?
Тошматбой:
— Ўқитувчимиз “Туякушнинг нечта оёғи бор?” деб сўраган эдилар, мен: “Учта” деб жавоб бердим.

Онаси:
— Туякушнинг оёғи иккита-ку, ахир!
Тошматвой:
— Тўғри, лекин бошқалар “Тўртта” дейишди-да.

Жангари фильмнинг оммавий сахнасини суратга олишда беш минг кишилик оломдан фойдаланмоқчи бўлди.

Продюсер ваҳимага тушиб:
— Бунақада хонавайрон бўламиз-ку.
Режиссёр:
— Кўрқманг, автомату пулемётларга жанговар (ҳақиқий) ўқлар жойланган.

**МУҲАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун



ҚҮЙ. Ҳафта давомида хонадонингиз ва ишхонадаги вазиятга таъсир кўрсатувчи воқеалар рўй беради. Феъл-атворингиз атрофдаги одамларнинг табиатига мос келиши фойдадан ҳоли эмас. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришингиз қийин кечади. Дўстлар кўмагида муносиб ютуқларни қўлга киритасиз.



СИГИР. Саломатлигингиз бироз панд беради. Кутилмаган сафарлар ёки қариндошларингиз билан муносабатларга путур етиши муаммолар келтириб чиқаради. Юзага келган қийинчиликларни енгиш учун бор куч-қувватингизни аяманг. Яқшанба куни кўнгилли ҳордиқ чиқарасиз.



ЭГИЗАКЛАР. Ажойиб мулоқотлар кутилмоқда. Соғлигингиз бироз жойида эмаслиги амалий ва молиявий режаларга ўз таъсирини кўрсатади. Атрофдаги одамлар сизни қўллаб-қувватлаши мумкин. Ўзгалар ташвишидан узоқроқ юргангиз маъқул.



ҚИСҚИЧБАҚА. Янги режалар амалга ошмай қолиши мумкин. Чунки бунинг учун қўшимча вақт керак бўлади. Чоршанба кундан бошлаб ўзингиз кўникмаган муҳитда фаолият юритишингизга тўғри келади. Шахсий масалалар ҳамда амалий вазифаларни чалқаштириб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Шанба куни молиявий ахволингиз яхшиланади.



АРСЛОН. Ушбу етти кунлик фаол ўтади. Ҳафтанинг ўртасига бориб муваффақиятга эришасиз. Бажараётган ишингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо уларни ҳал этиш орқали мавқеингизни мустақкамлаб оласиз. Сешанба ва чоршанба кунлари эҳтиросларга берилманг. Саломатлигингизни тиклаш имконияти бор. Пайшанба куни хушxabар эшитишингиз мумкин.



БОШОҚ. Яқинларингиз ва фарзандларингиз билан муносабатлар яхшиланади. Ишхонада кўнгилли вазият юзага келади. Дастлабки тўрт кун сокин ўтади, аммо жума ва шанба кунлари фаоллигингиз энг юқори даражага кўтарилади. Вақтингизни мазмунли ўтказишга вақт ажратганингиз маъқул.



ТАРОСИ. Ушбу ҳафтада олтин кувтаровати ёдингизда қолади. Имкониятингизни намоён этувчи вазият юзага келиши мумкин. Сиздаги иқтидор кадр топади ва жамиятдаги мавқеингиз яхшиланади. Ҳафтанинг охирида ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.



ЧАЁН. Ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ишларни бекаму кўст бажаришингизга тўғри келади. Кашфиётчилик борасидаги истеъдодингизни юзага чиқаришга ҳаракат қилинг. Мазмунли ҳордиқ чиқаришга вақтингиз етишмайди. Аммо обрў-эйтиборингизни мустақкамлаб олишингиз айна вақтидир.



ЁЙ. Саломатлигингиз бироз ташвишга солади. Мазкур даврда молиявий ахволингиз кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин. Асосий ютуқларга келгуси ҳафтада эришасиз. Шу боис атрофда рўй бераётган воқеаларга кўпам эйтибор бераверманг. Дўстларингиз сизни қўллаб-қувватлашади.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Мазкур ҳафтада рўй берадиган воқеалар ўзингизга бўлган ишончни ортттиради. Севги ва дўстлик бобида айрим келишмовчиликлар юзага келишига қарамай, кайфиятингиз кўтаринки бўлади. Омад қулиб боқаётгани ва яқинларингиз сизни қўллаб-қувватлашаётганини ҳис этиб турасиз.



КОВФА. Ютуқлар, шу билан бир қаторда омадсизликлар кутилмоқда. Маълум чеклашлар бошқа соҳадаги имкониятларни юзага келтиради. Ҳамкорликда бажарилаётган ишлар учун кўзда тутилмаган сарф-ҳаражатлар қилишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Кўп ишлашингизга тўғри келади.



БАЛИҚ. Дўстларингиз ва сизни қўллаб-қувватлаётган одамлар билан алоқани мустақкамлаб олишингиз зарур. Ҳафтанинг сўнги кунлари, айниқса яқшанба куни талайгина муаммолар ҳал этилади. Жума куни ишингиз юришмаслиги эса яқинларингиз билан муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

«Маънолар маъзани»

ЁНҒОҚ ОЛСАНГ – ЧАҚИБ ОЛ, ИПАК ОЛСАНГ – БОҚИБ ОЛ

Одатда ёнғоқнинг тўқ ё пучлигини чақиб кўрмай туриб билиш қийин. Ипак матонинг қандайлигини (масалан, атласнинг неча “тепки” лигини) синчиклаб қарамай туриб, билиш қийин. Мазкур мақол билан: “Ҳар бир нарсани сотиб олаётганда унинг сифатини обдон текшир, ўзингнинг ақлинг етмаса, биладиганлар билан маслаҳатлаш. Акс ҳолда пулинг куйди, чув тушасан, афсус ейсан” демоқчи бўладилар. Бу фикрни қувватловчи “Олганда якка ўзинг олган бўлсанг, Сотганда отанг билан ҳам сотолмайсан”, деган мақол ҳам бор.

ЁРНИНГ КАМЧИЛИГИ ХУШ КЎРИНАДИ

Мазмуни: “Агар ёрингни чин дилдан севсанг, унинг унча-мунча камчилиги ҳам кўзингга кўринмайди, қайтага камчилиги яхши ҳам кўриниб кетади”, дейилмоқчи.

ЁШ КЎЗДАН ЧИҚМАЙДИ – ЮРАКДАН ЧИҚАДИ

Юрак суюнса - кўздан севинч ёшлари, юрак куйонса - кўздан ғам-алам ёшлари чиқади. Шунинг учун ҳам “Чин юракдан йиғласанг, (хатто) сўқир (кўр) кўздан (ҳам) ёш чиқар”, дейдилар.

ЁШ – УМРИНИ БАҒИШЛАР, ҚАРИ УМРИНИ ҚАРИШЛАР

Бир донишманддан: “Энг ёмон касаллик нима?” деб сўраганларида, у: “Қарилик” деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, қарилик - тобора авж олиб борувчи ожизлик, хасталик ва инсон умрининг поёни,

демақдир. Вариант: “Ёшга – кўхистон гулистон кўринар, Қарига – гулистон гўристон кўринар” (“Ёшлар тобора ҳаётга қизиқиб, ҳар бир нарсага завқ билан қарайвердилар. Қариялар эса сиҳатлари, куч-қувватлари кета боргани сари кайфиятлари бузилиб, яхши нарсалар ҳам ёмондай туюлиб бораверади. Ҳаётнинг лаззати қанчалик ширин бўлса, даҳшати шунчалик аччиқ”, дейилмоқчи); “Ёшлар ўйинни хуш кўрар, Қариялар – уйқуни”; “Ёшлигингда қўлинг ишлар, Қариганигда тилинг ишлар”; “Ёшлик – ёшга қарамайди, Қарилик – сочга”; “Ёшликнинг аввалию, Қариликнинг кейини” (Бу мақолни: “Киши қанчалик қартайиб боргани сайин феъл-атвори ёш болаларникига ўхшаб бораверади”, деган маънода қўллайдилар); “Ёш – кетаман, деб кўрқитар, Қари – ўламан, деб кўрқитар”.

ЁҚАСИ ҚОЛСА ҲАМ – БЕҚАСАМ

Беқасамдан ва бошқа матолардан чопон тикканларида унинг ёқасига пахта солмай ёхуд бошқа жойига нисбатан жуда юқа қилиб пахта солиб, майда қилиб қайта-қайта қавиб тикадилар-да, ёқани қотирадилар. Чопон кийилиб-кийилиб, ҳаммаёғи йиртилиб кетса ҳам, ёқаси бутун қолади. Ўтмишда баъзи илгари бой бўлган-у, кейин қўлидан мол-мулки кетиб, камбағаллашиб қолган одамларни ҳамон “бой ота”, “бой бува”, “бойвачча” деб, илгари бирор мансаб эгаси, масалан, мингбоши, юзбоши; элликбоши, қози, амин ва шу қабилар бўлган-у, кейин мансабидан тушган баъзи одамларни ҳамон ўша ном билан атардилар. Юқоридаги мақол ана шу ҳолга қарата айтиларди ёхуд шундай одамлар ҳамон калондимоғлигини ташламаса, собиқ бойлиги ё амали билан керилиб, мақтаниб юрса, уларни майна, мазах қилганда киноя тарзида қўлланилган.

Азиз муштарийлар! Инсон ҳар томонлама гўзал бўлиши керак. Бунда, аввало, унинг одоби, ахлоқи, маданияти кўзда тутилади. Шу боис, инсон қандай мартабага эришмасин, хушмуомалалиги, камтарлиги ва бошқа фазилатлари билан ажралиб туриши зарур. Барча касб эгалари, хусусан, ички ишлар ходимлари ҳам бундан мустасно эмас. Инсон феъл-атвори, ахлоқ ва одобининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бориш мақсадида “Инсон одоби билан гўзал” деб номланган янги саҳифа ташкил этдик.

Саҳифамиз аввали саломлашиш одобига бағишланмоқда. Зеро, халқимизда сўз боши салом, иш боши интизом, деб бежиз айтилмаган.


Ҳали тили чиқмаган, эндигина имо-ишора, ҳаракатларни ўргана бошлаган гўдагини кўтариб уйга кирган келинчак, аввал ўзи салом бериб, кейин боласига:

— Бувангларга, бувингларга салом бергин, — дейди.

Бола кўлини кўксига қўйиб, бошини сал эгади.

— Ваалайкум ассалом, баракалла, — дея кексалар алик олиб, уни эркалатишади.

Гўдак ўз ҳаракатларининг нима эканлигини тушунмасда, катта одамни кўриши билан кўлини кўксига қўйишни кан-



Саломлашиш фазилатлари

да қилмайди. Инсон боласи ана шу тариқа саломлашишни ўрганади. Тили энди чиқа бошлаши билан бува, буви, ада, ойи сўзларидан кейин салом бериш ўргатилади.

Саломлашиш одобнинг аввалдир. Модомики шундай экан, бу каломнинг ҳам одоби борлигини унутмаслик керак. Гапни саломлашишнинг маъносини англаб олишдан бошласак дуруст бўлади, албатта. “Ассалому алайкум” жумласининг маъноси “Сизга тинчлик ва омонлик бўлсин” деганидир. “Ваалайкум ассалом” жумласи эса “Сизга ҳам тинчлик ва омонлик бўлсин” деган маънони англатади.

Саломлашиш бизга Одам Атодан мерос қолган. Аллоҳ Одам алайҳиссаломга фаришталарнинг салом беришини буюради. Одам алайҳиссаломнинг “Ассалому алайкум” деб берган саломига фаришталар “Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳ” деб жавоб қайтардилар. Ана шу жумлалар инсонларнинг салом-

алиги бўлиб қолган ва ҳозиргача ўзгармаган.

Саломлашиш одоби кишиларни бир-бирларига яқинлаштиради, меҳр уйғотади. Умуман танимаган, билмаган кишига очик чехра билан салом берсангиз у ҳам албатта кўнгли ёришган ҳолда алик олади. Айниқса, сафарда, мусофирликда юрган одам учраган кишидан бирор нарса сўрамоқчи бўлса, аввалига одоб бўйича саломлашса, алик олган кишида унга нисбатан яқинлик уйғонади ва йўл кўрсатиб юборади.

Шу ўринда ички ишлар ходимларининг ҳам фуқаролар



улар бир-бирдан узоқлашмасдан мағфират қилади”, дейилган.

Одатда мусулмонлар икки қўллаб кўришадилар. Бир қўллаб кўришиш одобдан эмас, дейилади ислом одоби, ахлоқига оид китобларда. Шунингдек, айрим кишиларнинг оғизларидан, юзларидан ўпиб кўришишлари ҳам одатга хилоф ҳисобланади. Бу тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам турли касалликлар тарқалишига сабаб бўлади.

Шу ўринда узоқ вақт бир-бирини кўрмаган қариндошлар, қадрдонлар, олис сафардан қайтганлар кучоқлашиб, бир-бирларининг пешонаси ёки бошидан ўпиб, кейин қўл бериб кўришишлари мумкинлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу одат одоб юзасидан эканлиги китобларда қайд этилган.

ҲАДИСДАН

Бир киши келиб Пайғамбаримизга “Ассалому алайкум”, деб салом берибди. Пайғамбаримиз алик олиб “ўн” деб қўйибдилар. Иккинчи киши келиб “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ” деб салом берибди. Пайғамбаримиз алик олган, “йигирма” деб қўйибдилар. Учинчи киши эса “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ”, деб салом берибди. Пайғамбаримиз алик олиб “ўттиз” деб қўйибдилар. Саҳобалар ҳайрон бўлиб сўрашибди: “Ё расулуллоҳ, нега биринчи киши саломлашганда ўн, иккинчисига йигирма, учинчисига эса ўттиз деб қўйдингиз? Сабабини тушунмадик.” Пайғамбаримиз жавоб қилибдилар:

— Биринчи киши “Ассалому алайкум” деди ва ўн савобга эга бўлди. Иккинчи киши эса “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ” деди. Унга йигирма савоб ёзилди. Учинчи киши эса “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ” деб ўттизта савоб олди.

ЗАМОНАВИЙ... САЛОМ-АЛИК

Автобусда ҳамроҳим билан пойтахт жамолини томоша қилиб бораёямиз. Биздан сал нарида ўтирган бир йигит талаба бўлса керак, китоб ўқиб кетяпти. Навбатдаги бекатда бешолти нафар йигит-қизлар чиқиб келишди. Ёшлар йигитнинг курсдоши ёки таниши эканми, сўраша бошланди.

— Салом берду, — деди улардан бири.

— Алик олду, — деди йигит.

— Привет, — деди бир қиз.

— Привет, — деди бошқа бир йигит.

— Саломчик, — деди яна бири.

— Саломчик, — дея жавоб қайтарди йигит.

Бу тарздаги узук-юлуқ саломлашишни кузатиб ўтирган мўйсафид уларга қарата деди:

— Яхши одамларнинг фарзанди кўринасизлар. Умид билан ўқиясизлар. Илоҳим, ниятларингга етиб, етук мутахассис

бўлиб, халқ корига яранглар. Саломлашиш одобини билибсизлару, лекин уни чала-чулла бажаришни одат қилибсизлар. Бу яхши эмас. Ҳар бир сўзни гапиратгандан тўлиқ ифодалаш керак. Саломни тўлиқ айтиб, иложи бўлса қўл олишиб кўришсанглар, Яратганининг назарига тушасизлар.

— Замонавий сўрашаёямиз-да, — деди йигитлардан бири отахонга қараб.

— Кўринишингдан бусбутун йигит экансан ёки чала жойинг борми? — деди қария кулиб.

Иzza бўлган йигит индамай қолди.

— Насиҳат қилиш биздан, уни қулоққа олиб, амал қилиш сизлардан. Одобсизлик инсонни тўғри йўлдан тойдиради, шунинг учун унутманглар, — деди мўйсафид ва бекатда автобусдан тушиб қолди.

Йигит-қизлар бир-бирларига қараб, қилмишларидан уялишди, жимиб қолдилар.



Қариндошларимиздан бири отин ойи эдилар. Фариштадай бу аёлни ҳамма ҳурмат қиларди, сўзларини жон деб тинглардик.

Мактабимизга жисмоний тарбия бўйича янги ўқитувчи келди. У шунингдек, бизга синф раҳбари этиб тайинланди. Гапирганида сўзларининг ярми русча, ярми ўзбекча бўларди. Ҳамон ёдимда у бир кун синфга кириб келди. Биз одатдагидек ўрнимиздан туриб: “Ассалому алайкум” дедик. У алик олиш ўрнига пешонасини тириштириб:

— Так, ребята бунақаси кетмайди. Бугундан бошлаб мен синфга кириб келиб

АЁЛ КИШИГА ВОЖИБ

Асосан, одоб, ахлоқ борасидаги насиҳатлари мароқли эди. Лекин шу аёлнинг бир хислатидан таажубга тушардим. Мени кўрсалар биринчи бўлиб салом берардилар. Бундан хижолат чекардим. Аввал салом берсам ҳам “Ассалому алайкум” деб, кейин алик олардилар. Бошқа ўғил болаларга ҳам шундай қиларканлар.

Бир кун ҳовлида копток уйнаётган эдик, отин ойи келиб қолдилар. Ҳаммамиз югуриб келиб, кучоқларига отилдик. Бувимиз одатдагидек, ҳар биримизнинг саломимизга алик олишдан аввал “Ассалому алайкум” дедилар, кейин алик олиб,

пешонамиздан ўпиб, конфет бердилар.

Буни кузатиб турган аёллардан бири:

— Нега болаларни хижолат қилиб, алик олишдан олдин салом берасиз, — деб сўраб қолди.

Буви кулиб туриб шундай дедилар:

— Эрак кишининг ҳурмати аёлникидан баландроқ. Бу тойчоқларим эрак зотидан. Шунинг учун мен аввал салом бераман. Шундай қилиш аёл кишига вожиб.

Кейин бошимизни силаб:

— Болажонларим, хижолат бўлманглар, саломлашишнинг ҳам одоби бор, — дедилар.

ЎРИНЛИ ТАНБЕҲ

“Салом, болалар” дейман. Потом сизлар хором “Салом” дейсизлар и все, — деди.

Ўқитувчининг айтганини қилдик, албатта. У фақат бизга эмас, бошқа синфдагиларга ҳам шундай ўргатган экан.

Келгуси ҳафтада дарсга мактаб илмий мудири Абдурахмон ака Тулаганов ўқитувчи билан бирга кир-

ди. Ўқитувчи ўз одати бўйича.

— Салом, болалар, — деди. Биз бир овоздан.

— Салом, — дедик.

— Бу қанақа саломлашиш? — сўради. Абдурахмон ака таажубланиб.

— Мен ўргатдим, қоратко и ясно, — деди ўқитувчи.

— Саломлашиш инсон

қай даражада маданиятли эканлигини билдиради, — деди Абдурахмон ака ўқитувчига танбех бериб. — Чала-чулла саломлашиш керак эмас. Болаларни бунга ўргатманг, тўлиқ салом беришсин, сиз ҳам тўлиқ алик олинг.

Ўқитувчи раҳбар олди-да ҳеч нарса демади. Биз яна ўз одатимиз бўйича муаллим синфга кириши билан ўрнимиздан туриб, “Ассалому алайкум” дейдиган бўлдик.

Бугунги кунга келиб бирорта идорани компьютерсиз тасаввур этиш қийин. Курби етадиган, фарзандларининг келажагини ўйлайдиган ота-оналар ҳам шахсий компьютерлар сотиб олишяпти. Хуллас, фан-техниканинг бу ноёб мўъжизаси ҳаётимиздан тобора кенг ўрин эгалламоқда. Баъзан ҳамкасбимиз ёки оила аъзо-миздан кўра, бу ақлли машина билан узоқроқ “мулоқот”да бўламиз. Хўш, бундай яқинликнинг организми-мизга зарари йўқмикан? Бор бўлса, ундан қандай сақ-ланиш мумкин?

**ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ:
У СИЗГА ҚАРАЯПТИ!**

Компьютер билан ишлашга, аниқроғи, монитордаги тасвирни қабул қилишга кўзларимиз энг кам мослашгандир. Гап шундаки, экрандаги тасвир табиий тасвирдан (аксланишдан) фарқ қилиб, тинимсиз жимирлаб турувчи нуқталардан иборатдир. Бу эса кўзларимизни жуда толиқтиради. Агар сиз компьютерда узоқ ишласангизу, оддийгина профилактика қоидаларига амал қилмасангиз, тез орада кўзингиз толиқиши, ачишиши, ҳатто оғришини ҳис этасиз. Шунинг учун офтальмологлар ҳеч бўлмаганда кўйдаги учта оддий қоидага амал қилишингизни тавсия этишади:


1. Монитордан узоқроқ ўтиринг. Баъзилар экранда юз бераётган жараёнларга шунчалик берилиб кетишадик, образли қилиб айтадиган бўлсак, монитор ичига кириб кетай дейишадди. Эсингизда тутинг: тасвирни камида кўлингиз узунлигидаги масофадан (70-80 см) кўришингиз лозим.
2. Экрандаги иш столингизни ва ўзингиз ишлайдиган дастурларингизни безашда ёрқин ва бир-бирига қарама-қарши ранглардан қочинг. Майин (оқ, мовий, сариқ, яшил) ранглар танланг. Кўзларингиз бу ранглардан камроқ толиқадди.
3. Иш пайтида ора-чора та-наффус қилиб туринг. Ҳар қирқ

дақиқада, ҳеч бўлмаса бир со-атда ўрнингиздан туринг. Хонангизни бир айлансангиз ҳам бирваракайига учта куёни нишонга олган бўласиз. Яъни бўйин ва қаддингизни ростлай-сиз, мушакларингиз ишга ту-шади ҳамда кўзингизга дам бе-

расиз. Жуда бўлмаса — бир неча дақиқа, монитордан нигоҳингизни узинг, бошқа бирор нарсага, борингки деразадан таш-қарига қаранг.

**БЎЙНИНГИЗНИ
ЗЎРИҚТИРМАНГ!**

Гавдангизни қимирлатмаган ҳолда кўлларингизни узоқ вақт бир хил ҳаракатлантисангиз, (компьютерда ишлаётганингиз-да шу ҳолат юз беради) бўйин ҳам кўпинча ҳаракатланмайди. Оқибатда бўйин мушаклари-нинг тортишиб қолиши кузати-лади. Таранглашган мушаклар эса бош мияни қон билан таъ-минловчи томирларни сиқиб қўяди. Шунинг учун ҳам вақти-



Компьютер билан юзма-юз

вақти билан умуртқа поғонаси-нинг кўкрак ва бўйин қисми зўриқишига йўл қўймаслик ке-рак. Шундоқ иш жойининг ўзи-да бажариш мумкин бўлган қу-йидаги оддий ва содда машқ-лар бунда ёрдам беради.

- Тўғри ўтиринг. Тирса-гингизни стол юзасига тираб, бармоқларингизни иягингиз остига қўйинг. Иягингизни бар-моқларингизга босиб, бешгача сананг. Ўзингизни бўш қўйинг, сўнг машқни яна такрорланг.
- Кафтларингизни пешо-нангизга тиранг.
- Ўнг кафтингизни ўнг чаккангизга тиранг. Айни пайтда бошингиз билан қаршилиқ кўрсатинг. Чап кўлингиз кўмаги-га ҳам мазкур машқни бажаринг.

● Кафтларингизни гарда-нингизга қўйинг. Имкони бори-ча бошингизни орқага эгиб, айни пайтда кўлларингиз ёрда-мида бунга қаршилиқ кўрса-тинг.

● Ҳар бир машқни беш-етти марта такрорланг. Ушбу машқлар мажмуасини кунига икки-уч бора бажаринг.

Бундан ташқари кунига беш соатдан ошиқ компьютерда ишласангиз, паст ёстикда ётишга одатланинг.

**КИЧКИНА
“СИЧҚОН”НИНГ
КАТТА ХАВФИ**

Буни ҳамма ҳам билавермай-ди. Масалан, компьютерда ҳар

кун ишлайдиганларнинг “сичқон” ушлайдиган кўлининг билаги, кафти, бармоқлари, ҳатто ўша томон елкаси оғриб туради. Сабаби, улар электрон “кемирувчи”ни нотўғри ушла-шади. Оқибатда кўлнинг асаб толалари, мушаклари ва қон томирлари зарарланади. Бунга йўл қўймаслик учун кўйдаги маслаҳатларга амал қилинг:

● “Сичқон”ни тўғри уш-лашга ўрганинг, яъни бармоқ-лар уни бўш, эркин тутиб тур-син. Уни билакка таяниб кўта-риб турмасликка ҳаракат қилинг;

● Кўлингизнинг ҳолатини тез-тез ўзгартириб туринг.

**ЯНА МОНИТОР
ҲАҚИДА**

Афсуски, компьютер олдида узоқ вақт ўтириш юзга ҳам сал-бий таъсир кўрсатади. Монитор яқинида кучли электростатик майдон пайдо бўлади. Унинг таъсирида сезгир юз териси қуришиб, кўчиши мумкин. Бу сочга ҳам таъсир этади. Шунинг учун ишлаётган хонангизда ҳавонинг намлик даражаси меъ-ёрида бўлиши чораларини кўринг.

● Кабинетингизда хона гуллари ўстиринг. Монитор ёнида кактус парвариш қилинг. У нафақат зарарли нурланиш-ни ютади, шунингдек, ҳавони кислород билан тўйинтиради.

● Хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туринг.

● Ҳаво намлигини оши-рувчи махсус мосламалардан фойдаланинг (ҳеч бўлмаганда токчага бир банка сув қўйинг).

● Кун мобайнида ҳар икки соатда юзингизни минерал сув-да намланган тоза латта билан артиб туринг.


● Ҳар 15-20 дақиқада бир-икки қултум кўк чой, шарбат ёки қайнатилган сув ичинг.

● Юзингизни кечқурун мойчечак, маврак, чўл ялпи-зи қайнатмаларида чайиб ту-ринг.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ


**МАЙИЗНИНГ ЯНА БИР
ХОСИЯТИ**

Олимларнинг кўп йиллик олиб борган тажрибалари хулосасига кўра майиз таркибида кариесга ва милк хасталикларига сабаб бўлувчи бакте-рияларнинг кўпайишини тўхтатувчи моддалар бор экан. Ваҳоланки, ма-йиз қанд моддасига бой бўлганлиги ва тишга ёпишиб қолиши сабабли илгари уни тиш учун зарарли деб ҳисоблашар эди.



ҚОНДОШЛАР

Европа Иттифоқи олимлари қон ўрнини босувчи сунъий модда яратиш устида изланишлар олиб боришяпти. Илгари ҳам бундай уринишлар бўлган. Масалан, ўтган йили япониялик мута-хассислар альбумин оксиди асосида сунъий қон намуналари ҳосил қилиш-ган эди. Аммо лойиҳа жуда қимматга тушиши сабабли саноат миқёсида амал-



га оширилмади. Бу гал эса кўзиқорин-лар ва бактериялар янгича қон учун хомашё бўлиб хизмат қилади. Олимлар бу лойиҳани амалга оширишга кири-шишларига одатдаги қон қуйишнинг хавфи сабаблари борлиги сабаб бўлди. Чунончи, донор қонида ОИТС вирус-лари бўлиши мумкин. Мутахассислар ге-моглобинга ўхшаш оксил ҳосил қилиш-лари ва унинг инсон организми қабул қилишига эришишлари лозим. Табиий қондан фарқли ўлароқ бу “қон”ни стер-иллаш мумкин.


ОЗИШНИНГ ФОЙДАСИ

Европанинг етакчи ревматологла-ри тизза бўгинларида остеоартрит хас-талиги ривожланиши туфайли кекса-лар кам ҳаракат бўлиб қолишини

аниқлашди. Ушбу касалликка эса се-мириш ҳам сабаб бўлади. 60-89 ёш ора-лигидаги 270 нафар бемор ўртасида ўтказилган тадқиқот юқоридаги хуло-сани тасдиқлади. Тизза бўгинларига ту-шадиган оғирлик камайгани сайин ки-шининг ҳаракатланиш қобилияти ошади. Бунинг учун эса озиш — ор-тиқча вазндан халос бўлиш лозим.

МЕЪЁРИНИ БИЛИНГ

Сақич чай-наш ҳозирда кенг тарқалган одат. Унинг фойдаси билан бирга зарари ҳам бор экан. Тадқиқотчилар 9-12 ёшли бола-лар кунига бир неча марта са-қич чайнашса, пародонтит кас-саллигига чали-нишлари хавфи о ш и ш и н и а н и қ л а ш д и. Фарзандлари-мизга сақич чайнашни бутунлай тақиқлаб қўйиши-миз мушкул. Шифокорлар эса фақат овқатдан кейин узоғи билан 15 дақиқа шакарсиз сақич чайнашни тавсия эти-шади.



**КЎЗОЙНАГИНГИЗНИ
АЛМАШТИРИНГ**

Бош оғриши ҳаммиша ҳам касаллик-ларга боғлиқ бўлавермайди. Баъзан бунга нотўғри танланган кўзойнак ҳам сабаб бўлади. У кўзни толиқтириши эса шундоқ ҳам маълум. Шунинг учун бо-шингиз оғриси ҳар эҳтимолга қарши окулистга ҳам кўрининг, зарур ҳол-ларда унинг тавсиясига кўра дарҳол кўзойнагингизни алмаштиринг.

ДОРИ ЎРНИГА ... НОК

Мевалар гоҳида дори-дармон ўрни-ни боса олади. Масалан, ноқ танин моддасига бой. Айниқса, унинг қоқиси шифобахшроқ. Нок қоқисидан компот тайёрлаб ичса ҳам, сувда ивитиб ётиш олдиан эса ҳам бўлади.

САБАБ БОШҚА ЁҚДА

Тери касалликлари кўпинча ички касалликларнинг аломати, белгиси сифатида намоён бўлиши мумкин экан. Айниқса, организмда модда ал-машинувининг бузилиши бунга сабаб бўлади. Модда алмашинуви ўз измига тушиб, тананинг тўғри яшаш тарзи тиклангач, яъни асл сабаб тугатилгач, тери касаллиги ҳам ўз-ўзидан тузалиб кетади. Хулоса шуки, бирор тери ка-саллигига чалинсангиз, ҳар эҳтимол-га қарши ички касалликлар шифоко-рига ҳам кўриниб қўйинг.

“ИССИФИДА” ФОШ ЭТИЛДИ

АВТОМАШИНА ЯНА ЭГАСИДА

26 сентябрь куни кечки пайт пойтахтлик Дилмурод Аллаберганов бир иш билан Хамза туманидаги Лисунов кўчасига борди. “ВАЗ-2102” русумли автомашинасини шу ерда қолдириб, ўзи нари кетди. Ишларини бамайлихотир ниҳоясига етказиб келиб қараса, машинаси қўйган жойида йўқ. У бирорта танишим ҳазиллашиб миниб кетган бўлса келиб қолар, деган ўйда бироз кутди. Аммо ҳеч ким келавермагач, шу атрофдагилардан машинасини сўраб-суриштирди. Кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб, туман ИИБга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Хабар келиб туриши билан туман худудида “Тутиш” тадбири эълон қилинди. Воқеа жойига туман ИИБ ЖК ва УЖКҚБ ходими, майор Алишер Абдуаминов, терговчи, лейтенант Носир Болтахонов ва ЭКБ ходи-

ми, катта лейтенант Бахтиёр Чинозбековлардан иборат тезкортергов гуруҳи етиб келди. Шу ерда яшовчи аҳоли билан суҳбатлашилганда бир фуқаро улар қидираётган автомашинани Европа миллатига мансуб киши миниб кетганини айтиб қолди.

Ички ишлар ходимлари у кўрсатган йўналиш бўйича жиноятчининг ортидан кетишди. Кўп ўтмай кимдир Д. Аллабергановга тегишли машинани бошқариб бораётганини кўриб қолишди. Руддаги шахс ички ишлар машинасини кўриши билан тезликни ошириб, қоча бошлади. Аммо узоққа бора олмади. У қўлга олинганда Қарши шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган П. Алексей бўлиб чиқди.

Ушбу жиноят ярим соатдан ортиқроқ вақт ичида очилди. Автомашинани техник соз ҳолда эгасига қайтарилди.

ТУНГИ ТАЛОНЧИ

Шу куни Навоий шаҳар ИИБга Л. Толстой кўчасида яшовчи Турсуной Рўзиева мурожаат қилди. Унинг сўзларига қараганда, уч кун аввал тунда уйининг олдида номаълум шахс куч ишлатиб, бўйнидаги сариқ металлдан ясалган занжирни юлиб олган. Бундан каловлини қолган аёл дастлаб танишлари орқали талончини топишга уришиб кўрган. Лекин бунинг улдасидан чиқа олмагач, ички ишлар бўлимига арз қилган.

Ушбу жиноятни очиш шаҳар ИИБ ЖК ва УЖКҚ бўлими бошлигининг ўринбосари, ка-

питан Ўткир Отақулов ва Навоий вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, лейтенант Хайрулла Усмоновларга топширилди. Вазифа осон эмас эди. Чунки орадан маълум вақт ўтган, талончи ўлжани аллақачон “ҳазм қилиб юборган” бўлиши мумкин эди. Аммо шунга қарамай, ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли жиноят шу куннинг ўзида фош этилди. Талончилик Кармана туманилик, бекорчиликни касб қилиб олган Э. Ибодул-ла томонидан содир этилгани аниқланиб, қўлга олинди.

Саъдулла ШОДИЕВ.



ҚОТИЛ УКА

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида яшовчи Х. Болтаев уйида акаси билан мурасага кела олмай, жанжаллашиб қолди. Даҳанаки жангга айланган муштлашув аканинг ўлими билан тугади.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

Тошкент темир йўлининг “Олмазор – Чиноз” бекатлари оралиғида фожиа юз берди. Чиноз туманида яшовчи мактаб ўқувчилари Дилбар ва Камолалар эҳтиётсизлик қилиб “Ховос–Тошкент” йўналиши бўйлаб келаётган поезд тагига тушиб кетдилар. Натижада Камола воқеа жойида оламдан ўтди. Дилбар эса жароҳатланган ҳолда шифохонага ётқизилди.

ҲАЙДОВЧИ ТОПИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида номаълум ҳайдовчи ўз бошқарувидаги автомашина билан Амударё ширкат хўжалиги худудида 30 ёшлардаги эркак кишини уриб юборди.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

У жабрланувчига ёрдам бермай, жуфтакни ростлаб қолди. Дастлабки қидирувлар натижасида воқеа жойида жон таслим қилган мархумнинг шахси аниқланди. У Амударё ширкат хўжалигида яшаган Амангелди Ерешепов бўлиб чиқди. Йўл-транспорт ҳодисасини эса шу хўжаликда яшовчи У. Айтбай “ВАЗ-2101” русумли автомабилада содир этгани маълум бўлди.

ЭГРИҚҮЛ АЁЛ

Фарғона вилояти Қувасой туманида яшовчи С. Юсуповнинг уйига номаълум шахс калит танлаш йўли билан кириб, 500 АҚШ доллари ва 2.269.500 сўм пулини ўғирлаб кетган эди. Тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этишда гумоланиб 23 ёшли жувон қўлга олинди.

ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ОҚИБАТИ

Андижон вилояти Избоскан туманидаги “Пойтуғ – Куйганёр” йўлининг 46 километрида йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Қарама-қарши йўналишда келаётган, мазкур туманининг А. Тиллабоев ширкат хўжалигида яшовчи Б. Пўлатов ўзининг “М-412” автомашинаси билан Норин тума-

нилиқ Эркин Турғунов бошқарувидаги “Дамас”га тўқнашиб кетди. Тезлик катта бўлгани боис ўртада ёнғин содир бўлди. Натижада ҳайдовчилардан ташқари 7 йўловчи ҳам шу ерда жон таслим қилди.

ЖОҲИЛ ОТА

Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида яшовчи И. Жўраев 1993 йилда туғилган ўғли Сарварни таёқ билан уриб, оғир жароҳат етказди. Жабрланувчи касалхонага олиб келинди. Аммо шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетди. У ёруғ оламдан кўз юмди.

ХАНДАҚ ИЧИДА... НАША

Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган “Қорадори – 2005” тадбири давомида таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар етиштириш билан шуғулланаётган фуқаролар аниқланиб, жавобгарликка тортилмоқда. Масалан, Тошкент вилояти Чиноз тумани Олмазор қўрғонида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ж. Ўткир ўз томоғидаги иссиқхонанинг 50 кв. м майдонида 42 туп наша ўстираётгани маълум бўлди. Шунингдек, унинг ҳовлиси кўздан кечирилганда махсус қазилган хандақ ичидан 79 килога яқин наша топилди.

Исмоил МИНАВАРОВ,
ИИБ Матбуот маркази ходими,
майор.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР!

ЯКУНИГА ЕТМАГАН САФАР

Туркманистон Республикаси Тошхувуз вилоятида яшовчи Икром Хўжанов ҳайдовчилик касби орқали тўрт фарзандини бинойидек боқаятган эди. Ашхобод шаҳрида Ашир исмли шахс билан учрашди-ю, ҳаловати бузилди. Бир кунда икки юз АҚШ доллари ишлаб олиш ҳақидаги таклифни эшитиб, унинг ақли шошиб қолди. Шу боис ҳам оқибатини ўйлаб ўтирмасдан бу таклифга дарров розилик берди. Вазифаси тилла буюмларни ноқонуний йўллар билан Ўзбекистон худудига ўтказиб, унинг ўрнига захри қотил-героин олиб қайтишдан иборат эди. Жиноят ташкилотчиси бекорга уни танламагани. Икром чегара худудида яшаши боис ўзбек тилини яхши биларди. Соддалиги эса янада қўл келарди. Шунинг учун

ҳам унга ишониб, Хоразм вилоятида яшовчи таниши Илҳомга уяли телефони орқали кўнғироқ қилиб, молни олиб борадиган киши ҳақида маълумот берди.

Шундан кейин умумий баҳоси тўрт миллион тўрт юз минг сўм турадиган, жами тўрт юз қирқ грамм тилла буюмларни Икромга бериб, учрашув жойи ва вақтини айтди. Манат ва сўмдан кўпроқ берди. Хоразм вилояти Шовот туманидаги “Навоий” божхона масканидан ўтолмаслигига кўзи етган Икром айланма йўллар орқали бир амаллаб Ўзбекистон худудига ўтиб олди. Айтилган вақтдан кечикмасдан Урганч шаҳри деҳқон бозори ёнидаги “Қирққиз ёп” канали бўйида зарур одамни кута бошлади. Ниҳоят кутган одами келиб, қисқа фур-

сатда мол айирбошланди. Сўнг иккиси икки томонга кетишди.

Икром бозор бекатига эндигина келиб тўхтаган “Тико” ҳайдовчисига Манғит шаҳрига олиб бориб қўйишини сўраб, ўн минг сўм хизмат ҳақи беришни айтди. Сергей Маткаримов савол назари билан ёнидаги хотинига қаради. Гулбаҳор маъқул ишорасини билдирди.

Манғит шаҳрига етиб келишганидан кейин, мижоз яна ўн минг сўм беришини, Амударё туманининг Амир Темур номи деҳқон-фермер хўжалиги худудига олиб бориб қўйишни илтимос қилди. Ҳайдовчи тагин рози бўлди. Ахир, икки-уч соат ичида йигирма минг сўм пул топса ёмонми?

Киракашлик қилиб пул топиш

айб эмас. Лекин йўлдошинг нокас бўлса, ўйламаган жойда ташвишга қоласан. Эр-хотин буни билишганида, балки Икромнинг гапига кўнишмасиди. Чегара жойидаги тортилган симгача етиб боришганида, “Амударё” божхона маскани ходимлари “Тико” русумли машинани тўхтатиб текшириб кўришди. Шунда Икром ўзини йўқотиб қўйди. Холислар иштирокида текшириб кўрилганда, унинг тайпоқлари ичидан 257,9 грамм героин топилди.

Шу ерда унинг сафари охирига етмай якун топди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жиноят ишлари бўйича Олий суди Хўжанов Икром Мередовични саккиз йилга озодликдан маҳрум этди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби Бош бошқарма бўлим бошлиғи, полковник Н. Акрамовга онаси **ШИРИНЖОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истафодаги подполковник **Абубакир ота ХОЛМУРОДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Н. Шеровга падари бузруквори **НАЗИРҚУЛ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадilar.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Фарғона вилояти ИИБ ҚООБга қарашли Қўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига шу йил 27 август куни Фарғона шаҳар ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи ходимлари томонидан 13-15 ёшлар чамасидаги ўғил бола келтирилган. Бола билан суҳбатда у ўзини “Иброҳим” деб таништирган. Ота-онасини, яшаш манзилини билмаслигини айтган.

Белгилари: бўйи 145-150 см, озгин гавдали, сочлари, қошлари қора, кўзлари жигарранг, шалпанг кулоқ, юзи чўзиқроқ.

Кийимлари: эғнида энгил спорт кийими, оқ катак футболка, кулранг шим, оёғига шиппак кийган.

Боланинг ота-онаси ёки қариндошлари Қўқон шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.



РАМАЗОН ОЙИНИНГ ФАРЗ АМАЛЛАРИ

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, яқин кунларда бутун мусулмон оламида рамазон ойи бошланади. Рўза тутмоқлик ҳар бир мўмин мусулмон учун фарзdir. Рўза инсоннинг танасини, руҳини ва ахлоқини тозалайди. Рўза тутган киши субҳи содиқ, яъни тун пардаси оқара бошлагандан қуёш ботгунча ейиш, ичиш, хотинига яқинлик қилишдан ўзини тияди.

Пайғамбаримиз (с.а.в)

“Ҳар бир нарсанинг закоти, яъни тозаловчиси бўлади. Жасаднинг закоти рўзадир ва рўза сабрнинг ярмидир” деганлар. Инсон рўздан бошқа пайтлари бир кунда 3-4 марта овқатланади. Айримлар эса ундан ҳам кўпроқ марта овқатланиши натижасида унинг организмда зарарли микроблар пайдо бўлади. Шунинг учун инсон ўз нафсини жиловлаб, ҳоким бўлиши, унинг хоҳишини енга олиши керак. Очлик ва сувсизликка ўрганмаган инсонларнинг вужудларида тўпланган ёғ ва гўшлар турли касалликларга олиб келиши мумкин. Очлик пайтида эса тана аъзоларимизда йиғилиб қолган микробларни ва зарарланган ёғ қандларини ейди. Ана шу тариқа вужудимиздаги зарарли ёғлар бартараф бўлади. Керакли пайтда заҳарли микроблар билан курашиб, аъзоларимизга кириб келишига тўсқинлик қилади. Натижада аъзои бадан соғлигининг тинч ва мунтазамлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (с.а.в) “Рўза тутинглари саломат бўласизлар”, — деганлар.

Овқат танага озуқа бергани каби рўза руҳга озуқа беради. Руҳсиз жасад ҳеч нарсага ярай олмас-

лиги маълум. Шу боис, ҳар бир инсон жасадни эмас, руҳни ривожлантирмоғи керак. Шу ўринда рўза инсон танасига шифо бериб, руҳни ахлоқли қилиб тарбиялайди. Рўза тутганда фақат эмоқичмоқдан тийилиш билан кифояланмасдан, руҳингиз ҳам ҳалқумингиз ҳам рўза тутиши керак. Бунинг учун ифво, бўҳтон, чақимчилик, жанжаллашмоқдан, ёлгон сўзлашувдан, бировларнинг об-


фират, 3) даҳайи ытқум-минаннар. Биринчи ўн кунликда Аллоҳ бандаларига раҳмат назари билан қарайди ва унинг раҳмат эшиклари очилиб, бандаларни офат-шикастлардан сақлайди. Иккинчи ўн кунликда Аллоҳ бандаларининг ўтган гуноҳларини мағфират қилади, яъни кечиради. Учинчи ўн кунликда эса Аллоҳ рўза тутган бандаларини дўзахдан озод қилади.

Рўза тутмоқлик танаси соғлом,

ақл-хуши жойида, бошпанаси бор шахсларга фарзdir. Беморлар соғайгач, сафардагилар, мусофирлар уйлариغا қайтгач, рўзанинг қазо кунларини рамазон ойдан кейин имконига қараб тутиб берадилар. Рўза тутса касаллиги зўрайдиган беморлар, сурункали хасталар, рўза тутишга кучи етмайдиган қариялар фида берадилар. Фида бир кишини бир ўтиришда қорнини тўйдирадиган даражадаги овқат ёки шунинг қийматчилик пул. Уни закот ва садақалар берилиши лозим кишиларга ёки масжидга тўланади. Ҳайз ва нафос кўрган аёллар покланганларидан кейин қазо бўлган рўзани тутадилар. Эмизикли боласи бор, ҳомиладор аёллар ҳам кейин рўза қазосини тутишади. Ифторликда, яъни қуёш ботгач, сув, хурмо, узум шунга ўхшаш олов тегмаган нарсалар билан оғиз очилади.

Рамазон ойининг яна бир вожиб амалларидан бири фитр садақа бериш. Бунда ҳар бир мусулмон хонадонда нечта киши бўлса, жон бошига икки килограмдан бугдой ёки шунинг қийматини камбағалларга, етим-есирларга фитр садақа қилиб беради.

Ҳожи Аҳмадҷон Бобомуроднинг «Қамолот сари» китобидан қисқартириб олинди.



рўсини тўкишдан, дилозорлик ва кўполликлардан сақланиш керак. Шундагина инсон ҳақиқий рўза тутган бўлади. Рўзадор киши кичикларга ва ожизларга раҳм-шафқатли, катталарга ҳурмат-эҳтиромда, қариндош-уруғларга раҳмли бўлиши, бемор ва кексаларни зиёрат қилиб, дуоларини олиши лозим.

Маълумки, инсон бир нарсани 3-4 кун пайдар-пай қилса, шунга одатланиб қолади. Бир ой рамазонда ўзимизни юқорида зикр қилинган яхши хислатлар билан тарбиялаб борсак, шу бизга одат бўлиб қолади, камил инсон бўлишимизга ёрдам беради.

Рамазон ойини Пайғамбаримиз учта ўн кунлик даҳага бўлганлар: 1) даҳайи раҳмат, 2) даҳайи маъ-

«ДОНО ҲИКМАТЛАР» БОШҚОТИРМАСИ

Азиз муштарийлар! Маънолари матнда тавсифланган 23 та тўрт ҳарfli сўзларни топиб, уларни доира шаклининг сектор (қисм)ларида тартиб рақамлари кўйилган хоналардан марказ томонга йўналтириб ёзинг.

1. "... олмиш ҳароратин Юзингиздан устозлар" (Пўлат Мўмин шеърятидан). 2. Ер шаридаги энг катта қитъа. 3. Кимёвий элементнинг энг кичик заррачаси. 4. Ўқув машғулотини учун белгиланган вақт, дарс. 5. Яхши тарбия, яхши ҳулқ. 6. Мирқарим... — ўзбек ёзувчиси. 7. "Ер тагида юмронқозик" (топишмоқ). 8. Қурилиш материали. 9. Яхши хислатлар туфайли топган эътибор. 10. Илм бериш мақсадида ўтказиладиган машғулот. 11. Мебел тури. 12. "Қолипсиз... бўлмас, режасиз иш битмас" (мақол). 13. Кинода ролнинг бажарилиши. 14. Ҳамма томонлари тенг, лекин бурчаклари тўғри бўлмаган параллелограмм. 15. Ўқув юртларидаги ёзма иш турларидан бири. 16. Субҳидам. 17. Сўзнинг туб маъносини билдирадиган, бирор қўшимча олмаган қисми. 18. Ҳафтанинг бешинчи куни. 19. Математикада — бирор тўғри чизиқни 90° дан кичик бурчак ҳосил қилиб, кесиб ўтадиган иккинчи тўғри чизиқ. 20. Диёримиздаги қадимий шахарларнинг бири. 21. Қалам. 22. Бошланғич ва ўрта мактабларда бир ўқув йилини ўз ичига олган ҳар бир поғона. 23. Доим яшил дарахт.

Агар жавоб сўзлар тўғри топиб ёзилган бўлса, шаклнинг куюқ чизиқлар орасидаги хоналарига тўғри келган ҳарфларни соат мили айланишига монанд йўналишда ўқисангиз, ўрта аср Шарқнинг аллома шоирларидан бири бўлмиш Саъдий Шерозий қаламига мансуб ҳикматни билиб olasiz.

Иккинчи ҳикмат эса шаклнинг устки ва остки ёйларида яширилган. Мазкур криптограммани ҳал қилиш учун аввало матнда арабча рақамлар билан шартли равишда ифодаланган 6 та очқич сўзларни топиш керак. Уларнинг маънолари куйидагича:

- I. «Шогирд бўлмай, 1, 2, 3, 4 бўлмас» (мақол).
- II. Асаларилар тайёрлаган ширинлик — 5, 10, 7.
- III. Табиий ёқилги — 9, 4, 11.
- IV. Миллий кийим — 3, 6, 8.
- V. Ҳўл мева — 10, 7, 13, 4.
- VI. Эҳтиром — 12, 11, 11, 4, 3.

Сўнгра ана шу очқич сўзларнинг ҳарфларини шакл ёйларидаги тегишли рақамлар тагига ёзиб чиқсангиз, криптограммада ўзбек халқ мақолларидан бирини ўқийсиз.

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ
Доиранинг секторларида: 1. Кўёш. 2. Осий. 3. Атом. 4. Соат. 5. Одоб. 6. Осим. 7. Турп. 8. Оҳак. 9. Обрў. 10. Дарс. 11. Стол. 12. Фишт. 13. Ижро. 4. Ромб. 15. Иншо. 16. Тонг. 17. Ўзақ. 18. Жума. 9. Оғма. 20. Хива. 21. Одим. 22. Синф. 23. Арча.
Куюқ чизиқлар орасидаги ҳикмат: I. Уста. II. Бол. III. Газ. IV. Тўн. V. Олма. VI. Иззат.
Унда яширилган халқ мақоли: **УСТА БЎЛСАНГ, УСТОЗИНГНИ УНУТМА.**

РЎЗА ТУТИШ (ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фажи илаб мағриби, холисан лиллаҳи таъола.
Аллоҳу Акбар.
Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун.
Аллоҳу Акбар.


ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ʼалайка таваккалту ва ʼала ризқиқа афторту, фағфирли йа Гоффару ма қоддамту ва ма аххорту.
Аллоҳу Акбар.
Яъни: Эй Аллоҳ, Ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.
Аллоҳу Акбар.

Рамазон кунлари	Октябрь Ноябрь	Ҳафта кунлари	Сахарлик тугаши	Ифтор вақти	Қайд учун
1	4	Сешанба	4:38	18:06	
2	5	Чоршанба	4:39	18:04	
3	6	Пайшанба	4:40	18:03	
4	7	Жума	4:41	18:01	
5	8	Шанба	4:42	18:00	
6	9	Якшанба	4:43	17:58	
7	10	Душанба	4:44	17:56	
8	11	Сешанба	4:46	17:55	
9	12	Чоршанба	4:47	17:53	
10	13	Пайшанба	4:48	17:51	
11	14	Жума	4:49	17:50	
12	15	Шанба	4:50	17:48	
13	16	Якшанба	4:51	17:47	
14	17	Душанба	4:52	17:45	
15	18	Сешанба	4:54	17:44	
16	19	Чоршанба	4:55	17:42	
17	20	Пайшанба	4:56	17:41	
18	21	Жума	4:57	17:39	
19	22	Шанба	4:58	17:38	
20	23	Якшанба	4:59	17:36	
21	24	Душанба	5:01	17:35	
22	25	Сешанба	5:02	17:34	
23	26	Чоршанба	5:03	17:32	
24	27	Пайшанба	5:04	17:31	
25	28	Жума	5:05	17:30	
26	29	Шанба	5:06	17:28	
27	30	Якшанба	5:08	17:27	
28	31	Душанба	5:09	17:26	
29	1	Сешанба	5:10	17:24	
30	2	Чоршанба	5:11	17:23	

ТОШКЕНТ ВАҚТИ БИЛАН ТАФОВУТ

(дақиқа ҳисобида):
Аввал: Андижон-13, Жамбул-2, Наманган-9, Термиз-2, Фарғона-12, Хўжанд-4, Қўқон-8, Ўш-15, Бекобод-4,
Кейин: Бухоро+16, Гулистон+1, Жиззах+4, Навоий+14, Нукус+42, Самарқанд+5, Тошқовуз+40, Туркистон+12, Урганч+37, Хива+37, Чимкент+3, Қарши+8, Денов+7.
Изоҳ: Рўзанинг бошланиши Ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.



<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN Tahririyati</p> <p>MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1</p>	<p>Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV</p>		<p>TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.</p>	<p>Tahririyat hisob raqami 2021000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankinging Mirzo Ulug'bek bo'limi.</p>	<p>● Ko'chirib bosishda «Postda»-dan olinganligini ko'rsatish shart ● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. ● Oo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.</p>	<p>Obuna raqamlari: Yalqa tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366 Gazeta haftanang payshanba kunlari chiqadi. Boshiga topshirish vaqti — 28.00. Boshiga topshirildi — 23.00.</p>
	<p>Bosh muharrir o'rinbosari Murod TILLAIEV</p> <p>Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV</p>	<p>Navbatchi Muhabbat IBRAGIMOVA</p> <p>Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV</p>	<p>E-mail: urmvd@globalnet.uz</p>	<p>GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN</p> <p>Buyurtma J-001656. Hajmi — 6 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 52699 nusxada chop etildi.</p>	<p>«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzilli: Alifsher Navoiy ko'chasi 30-uy. Ⓝ — Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.</p>	